

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока


Количество предыдущих
недач



МЛ Зак. 15-114—40 млн.—85 г,

up 2008

КРАМ





Узбекистон ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
Х. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ
ҚҰЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН

ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ШЕЪРИЯТИДАН

Тузувчи Ҳамид Сулаймон



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1980

Редакция: Жабборов Ж. Ж., Қаюмов А. П.,
Пармузин Б. С., Расулов Х. Р., Рустамов А. Р.,
Шоғуломов И. Ш., Шомуҳамедов Ш. М., Мухторо-
ва Ҳ. М., Абдураҳмонов Ф. А.

Китобчага жаҳонда ягона қўлёзмаси Ҳиндистон-
нинг Ҳайдаробод шаҳрида топилган, шу кунгача фан-
га номаълум бўлган XIV аср охири XV аср бошларида
яшаган истеъододли ўзбек шоири Ҳофиз Ҳоразмийнинг
девонидан танлаб олинган газал, қасида, таржсебанд,
мухаммас, рубоий, қитъалари киритилган.

Муҳаррир Марям Раҳматуллаева



© Издательство ЦК КП Узбекистана, 1980.

ХОФИЗ ХОРАЗМИЙ

Яқинда Ҳофиз тахаллуси билан ўзбек тилида ижод этган ва Ҳофиз Шерозийнинг кичик замондоши бўлган иккинчи йирик санъаткор топилди. Бу зот XIV асрнинг иккинчи ярми XV асрнинг биринчи ярмида яшаган ўзбек шоири Абдулраҳим Ҳофиз Хоразмийдир. XV асргача Ўрта Осиё адабиётида форс-тожик тили ҳукмрон мавқега эга бўлиб, ўзбек тилидаги адабиёт ҳали ўз ҳуқуқини тўлиқ эгаллаш учун курашаётган бир замонда ўзбек адабий тилида улкан бадний мерос яратган Ҳофиз Хоразмийдек шоир меросининг топилиши ўзбек классик адабиёти тарихининг янги очилган саҳифасидир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музеининг инкидафъя Ҳиндистонга уюштирган археографик экспедицияси ишининг энг самарали натижаси Ҳайдарободдаги Саларжанг музейи фондидан Ҳофиз девонининг топилиши бўлди. Музей хазинасидаги 8122 қўллэзмадан фақат 27 таси туркӣ тилда бўлиб, уларнинг тавсифи ҳам берилмаган. Бу қўллэзмалар билан танишиш асносида 4298 рақам остидаги қўллэзма ҳалигача фанга номаълум бўлган хоразмлик шоир Ҳофизнинг девони бўлиб чиқди. Қўллэзма охирда баъзи варақлари йўқолганидан китобат тарихини аниқ билиб бўлмади, қатор палеографик маълумотларга кўра қўллэзма XIV—XV аср ўрталарига оид эканлиги шубҳасиз эди. Шуниси қизиқки, Совет Иттифоқи ва хорижий мамлакатларда чоп этилган каталоглар, адабиёт тарихи, турли манбалар хоразмлик Ҳофиз ҳақида ҳеч қандай маълумот бермадилар. Бинобарин шоир биографиясини яратишга журъат қиласи эканмиз, ҳозирча якка-ю ягона ва ишончли манба сифатида фақат унинг ўз девонига суюна оламиз, холос.

Ҳофиз Хоразмийнинг асли исми Абдулраҳим әканлиги девонда еттиға форсча ғазалларида Раҳим ёки Абдулраҳим номи тахаллус сифатида келтирилганидан маълум. Фикримизча, тахаллус ўрнида келган бу ном, ҳали ўзига маҳсус тахаллус танлашни эп билмаган ёш шоирнинг ўз исми бўлса керак. Ўзбек тилидаги ғазалларнинг бирида бу исмни «тахаллуси қадими» («Девон», 157-бет) деб ҳам атайди.

Нима учун ёш шоир Абдулраҳим кейинчалик ўзига «Ҳофиз» тахаллусини қабул қилган? Фикримизча, биринчидан, Ҳофиз Хоразмий ўзининг машҳур катта замондоши Ҳофиз Шерозий даҳосида тарбияланиб, уни ўз пири-мураббийси сифатида эътироф этиши ҳақиқатга яқин кўринса, иккинчидан, ёш Абдулраҳимининг ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг тўла ҳуқуқи учун курашувчи, жасоратли ва оташин ватанпарвар әкани билан изоҳланади, яъни ўзбек шеъриятида ҳам Ҳофиз Шерозийдек забардаст санъаткор бўлишини орзу қилади. Ўзбек халқи ҳам она тилида яратилган ишқий, фалсафий шеъриятдан кенг кўламда баҳраманд бўлмоғи керак, деган эзгу тилаклари унинг дунёқарашидаги халқчиллик гоялари билан боғлиқ кўринади:

Ҳофизни кўрунг ушбу замон турк тилинда,
Гар кечди эса форсда ул Ҳофиз-и Шероз.
(«Девон» 279-бет).

Бу мисраларни шу қадар баралла ёзишга фақат Шерозий билан ижодий беллашишга қодир, етук санъаткоргина журъат қилиши мумкин эди. Адабиётимиз тарихида Навоийгача Ҳофиз Хоразмий даражасида бунчалик бой мерос яратган ва XIV аср охири XV аср биринчи чорагида мукаммал девон тартиб этган шоирни ҳалигача учратмадик. Ўзбек шеъриятининг Ҳофизи датвосини қилган хоразмлик шоирнинг бизгача етиб келган улкан бадиий мероси унинг ўз датвосида ҳақли эканининг очиқ исботидир.

Ҳофиз Хоразмий форсигўй Ҳофиздек кўп умрини Шерозда ўтказган, ҳар иккала шоирнинг прогрессив дунёқараши, фалсафий концепция, гуманизм ижодий метод ва маҳорат бобидаги қатор муштарак ҳоллар уларнинг бир давр, бир ижтимоий, сиёсий тузум ва маданий муҳитда яшаганликлари

билин белгиланади. Дадил айтиш мумкинки, Ҳофиз Хоразмий, Ҳофиз Шерозий анъаналарини биринчилардан бўлиб ўзбек шеъриятига олиб кирган, айниқса ғазал жанрини мазмунан бойитган улқан санъаткордир.

Ҳофиз Хоразмийнинг фанга маълум ягона қўл-ёзма девони 586 саҳифадан иборат бўлиб, хат устуби, қоғози, сиёҳи ва бошқа белгиларига кўра XV асрнинг биринчи чорагида Шерозда китобат қилинган деб тахмин қиласиз. «Девон» таркиби: 9 қасида, 439 байт (2—32-бетлар), таркибанд 40 байт (22—25-бетлар), 3 таржеъбанд 272 байт (32—50-бетлар), мухаммас 25 байт (50—51-бетлар), марсия 94 байт (52—58-бетлар), 1052 ғазал 17559 байт (60—574-бетлар), 2 мустазод 41 байт (568—569-бетлар), 31 қитъа 139 байт (575—584-бетлар) ва ниҳоят 12,5 рубойй 23 байт (585—586-бетлар), қўлёзма ўн учинчи рубоийнинг биринчи байтида узилиб қолади, сўнгги саҳифалари йўқолган. Ҳофиз Хоразмийнинг бизга маълум поэтик мероси 18632 байт, ёки 37264 мисрадан иборат.

Ҳофиз Хоразмий Алишер Навоийга қадар ижод этган ўзбек шоирлари Лутфий, Атоий, Саккокий каби дунёвий адабиёт вакилидир. Тўғри, у ҳам ўз даврининг барча адиблари каби тасаввуфга алоқадордир. Бироқ, шоир феодал жамиятининг илғор инсонпарвар, маърифатпарвар вакили сифатида Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий каби тасаввуфнинг прогрессив ифодаси ҳисобланган пантеизмга асосланган. У ўз қарашлари учун расмий ислом вакиллари томонидан ваҳшийларча ҳалок этилган Мансур Халложини ғазалларida бир неча бор ҳурмат билан тилга олади. Ҳофизнинг шеърияти инсон баҳт-саодати, унинг эрклиги ва дунёвий ҳаётни куйлашга қаратилган.

Ўзбек тилида юксак бадиий маҳорат билан ва гоят содда ва равон ғазаллар яратишда уни Навоийгача бўлган ўзбек ғазалиётининг беназир устоди деса арзиди. Бадиий услубнинг етуклиги, қоғия ва радифларни маҳорат билан танлай билиши, ажойиб лирик образлар яратиши Ҳофиз Хоразмийнинг етук санъаткорлигидан далолат беради. Шоир тили таркибида кўпчилик классик шоирларимизда учрайдиган араб, форсий сўзлар камлиги, аксинча ҳамма

вақт халқ жонли тилига яқин бўлиш (шеърларда Хоразм диалектига хос лексик элементлар кўп), халқ оғзаки ижодидан ўз ўрнида фойдаланишга катта эътибор берганлиги Ҳофиз шеъриятининг ажойиб хусусиятлари дандир.

Тўпламда берилган миниатюралар Ҳофиз девонига маҳсус ишланган бўлмай, ўша даврга тааллуқли қўлёзмалардан миниатюра санъатининг намунаси сифатида илова қилинди.

Ҳамид Сулаймон

ҒАЗАЛЛАР

Бўлубдур банда бирла ёр ўзга,
Не ёндин бўлди ул дилдор ўзга.

Қароқчилиқда кўзи бирла зулфи
Эрур таррору ул айёр ўзга.

Шакарни нисбат этмасман лабинга,
Шакар ўзгаю шакарбор ўзга.

Хуш эрур кўзлари bemori доим,
Вале хуш ўзгаю, bemor ўзга.

Бу йўлда ошиқ-и бозорийларға
Масожид ўзгаю, бозор ўзга.

Адамни ман вужуда нисбат этман,
Гулистон ўзга эрур, хор ўзга.

Неча билмасанг, эй Ҳофиз, бу дам бил,
Ким агёр ўзга эрур, ёр ўзга.

* * *

Санга ким теди, эй жон, ноз қилма,
Манга ноз айламакни оз қилма.

Ниёз айларман, нозинг тиларман,
Ниёзимни рано қил, ноз қилма.

Насиб-и дарду ғамни бахш этарда
Манга сан ўзгани анбоз қилма.

Гадоларға жафо қилмоқ тиласанг,
Дуочи бандадин оғоз қилма.

Күнгүл сиррини бўлмасун тесанг фош,
Ўшул ғамзани сан ғаммоз қилма.

Санга ман ошиқ-и жонбоз эркан,
Назар ўзгага, эй жон, боз қилма.

Бу Ҳофиз ёнина оҳанг қилмай,
Жафо қонунини сан соз қилма.

* * *

Эй савод-и чин-и зулфунг соябон-и офтоб,
Вай тудоқнинг бирла холинг ҳасрат-и мушку гулоб.

Зулф-и анбарбор юзунг узра печон тушкали
Сунбулу гул ҳасрат ўтиnda топар юз печу тоб.

Чин санинг чин-и сар-и зулфунга чин етгай эдим,
Шона бирла солмасанг чин зулфунга юз инқилоб.

Умридин оламда бархўрдоқлик топқай эдим,
Умр янглиғ кетгали қилмасанг эрди сан шитоб.

Жон санга лойинқ бўла билса чекойим ман равон,
Не қила билгаймен ушбу жонни ман сандин аяб.

Оlam ичра нозанинларни қарадим кўп вале,
Сан бикин бир нозанинни кўрмадим ҳаргиз қароб.

Бас ажабдур кўзларим ёши, юзунг кўрган аро,
Чун бўлур истора пинҳон, бўлса пайдо офтоб.

Нола қылсам ҳажр айёминда, айб айламангиз,
Чун қилур нола зарури ўт ичинда ҳам кабоб.

Васлингизни жон била Ҳофиз тилар зорий қилиб,
Бўлмағайму ушбу мискиннинг дуоси мустажоб.

* * *

Ул рух-и гулрангдин олса ниқоб,
Зарра сифат бўлғай эди офтоб.

Сунбул-и зулфи била гул юзидин
Бўлди хижолатзада мушку гулоб.

Кўзларидин ўзга киши кўрмай,
Гўша-айи меҳробда маст хароб.

Отмади кўзи манга ғамза ўқин,
Қилмади ул тарк-и хато не савоб.

Ёқмағали жону жаҳоним мани,
Оташ-и ғамдин жигаримдур кабоб.

Оҳим ўти кўнглия қилмас асар,
Гарчи бўлур санг бу оҳимдин об.

Оҳки, Ҳофиз била дилдор аро
Бўлмади бир лаҳза саволу жавоб.

* * *

Ул париваш зулфидин девона бўлдум оқибат,
Кўргил эмди халқ аро афсона бўлдум оқибат.

Ишқ асрорин билиб, кўргил вафо йўлинда ман,
Жон бериб жононаға, жонона бўлдум оқибат.

Эшигининг итларинга ошно бўлуб кўрунг,
Барча ёру дўстдин бегона бўлдум оқибат.

Фурқат ўтиға ёниб ёнимай равон жондин кечиб,
Шамъ-и рухсори учун парвона бўлдум оқибат.

Бенишон бўлиб жаҳонни сарбасар каздим vale,
Ганж-и ҳуснин топмайин вайрона бўлдум оқибат.

Кўз ёшин дарё қилиб ғаввостак кўргил мани,
Ишқ баҳринга чўмуб дурдона бўлдум оқибат.

Қочиб ул дилбар жафосиндин хиёле этадур,
Ҳофиз-и мискин била ҳамхона бўлдум оқибат.

* * *

Бўлғали шакартек оғзинг чашма-йи об-и ҳаёт,
Кўзларим Жайҳунийн шармандадур Нилу Фирот.

Эй камонабрў, ўқингга сийнани қилдим ҳадаф,
От қилмоқ не учун, ул хокийни бу хокига от.

Қилғали шаҳбоз-и жонимни муқаййад зулфунгиз,
Топмади ул қайддин бу сайд бир лаҳза најот.

То лаби-шаккарфишонинг сўзга келди, эй санам,
Кўз кўра бошлади Исо ўрнина бас мўъжизот.

Қолмади қанду наботу риштау шакарга қадр,
То набот-и лаълинг узра ришта бўлубдур набот.

Офтоб юзунгга бўлмағай эрди рўбарў,
Бўлса эрди ойина юзинда бир зарра уёт.

Гар закот-и ҳуси учун издар эсанг мискин гадо,
Ҳофиз-и мискин гадсийингдур, анга бергил закот.

* * *

Лаб-и лаълингким эрур ошиқингга об-и ҳаёт,
Хизр-и хаттинг кўринур теграсида чун зулумот.

Сўзга келганда ўшул кон-и шакартек оғзинг,
Бош қўяр сучи лабинга ўшанинг кўра набот.

Бордур ҳусн нисоб санга, эй ширинкор,
Ушбу дарвешга берсанг не бўла бўса закот.

Турклар орасида дилбар эрурсан ширин,
Ким санга тенг-тўш эмасдур Қўнғурот ила Қиёт.

Отмағил тейман ўшул ғамза ўқин жонимға,
Испар айладим анга сийнани, сан от учун от.

Шаб-и ҳижрон буйла зулфунг сўзини ёзганда,
Еори қўрди қародин ўз ўзини ҳолий давот.

Ҳофизо зулфи камандини қачонким ёзсанг
Умр девонида ул дамда ёзилғай ҳасанот.

* * *

Боғ ичра хиром айласа ул қад ила қомат,
Шайдо бўлур ул дамда туман турлу қиёмат.

Ул фитна қароқчи қаро кўз даврида эмди,
Бир гўшанишин қолмадиким, бўлса саломат.

Эй зоҳид-и худбин кўнглум савмади сани,
Чун аҳл-и саломат сану ман мард-и маломат.

Фердаведа сокиндур ўшулким, қила билди
Дилбар сар-и кўйинда бу дам азм-и иқомат.

Сўфийки, чака билмади ҳар дам май-и софий,
Ошиқлар орасинда чекар бор-и ғаромат.

Кўп жавру жафо қилмасун ул шоҳи замонким,
Бу жавр ниҳоний кетуур бод-и надомат.

Қилса назаре Ҳофиз-и бечораға жонон
Кўрунгай эди барчаға ул айн-и каромат.

* * *

Бўлдум ониңг лаълини кўргали ман бодапараст,
Ким кўзун сузуб қачон боқса қилур жонимни маст.

Ендиму юзунгга қаршу чакмадим ман хаста оҳ,
Барг-и гул шоҳ узра чун елдин толар доим шикаст.

Ман заиф оҳи қачон етушур ўшул жононаға,
Чун баланд эрур ониңг болосию бу оҳ паст.

Рифъат ичра арш бошим бирла химсар бўлмағай,
Бир замон гар пойбўс-и дўст ногаҳ берса даст.

Зулфи кўзумда бўлуб кўнглумни сайд этса не тонг,
Чунки дарёға солиб туур ўшул дилдор шаст.

Оғзи сўз бирла тақи пайдо бўла билмас аниңг,
Чунки бўлмади сўз ила ҳеч ерда нест ҳаст.

Ул бут-и Исонафас юзиндин олғали ниқоб,
Жумла ошиқ бўлди, Ҳофиз, жони бирла бутпараст.

* * *

Бўса бергил ушбу мискинга закот,
То жаҳоннинг ичра қолсин яхши от.

Хизр-и хатинг бирла ул лаъли лабинг
Зулмат ичра кўрунур об-и ҳаёт.

Шаккарин лаъл-и лабингдин мунфаил
Бўлди Мисер ичра басе қанду набот.

Не ажаб қошимда тинмасанг даме,
Умрга чунким күримнади сабот.

Нечаким күркелулар аро күзладим
Күрмадим сантак латифу пок зот.

Толибиким жон била издар сани,
Бир ангадур масжиду ҳам сўмнот.

Ишқ шатранжин тиласа ўйнамоқ,
Ҳофизо, рух кўргузуб қил шоҳ мот.

* * *

Қаро кўзунг бики жоду жаҳонда йўқ устод,
Чу дам-бадам қиладур ушбу фанда бир мунод.

Иўлунгға бўлғали сарв-и сиҳий кўнгул била қул,
Кўрунур ул чаману боғ ичинда бас озод.

Ниҳол тол бикин қадинг айлагали хиром
Ғам ичра қолдию бўлмади шод ҳам шамшод.

Ҳамеша жон била машғул ёринг эрурман,
Баҳона бирла тақи қилмадинг мани бир ёд.

Кўнгулни олғали зулфунг камандини ёзғил,
Чу ёзди домни пайваста сайд учун сайёд.

Мудом жавр ила бедод қилмасанг жонга,
Тиламагай эди кўнглум жафонг элиндин дод.

Чекар ҳамеша эшикингда ушбу Ҳофиз оҳ,
Чу булбул айлади бўstonда оҳ ила фарёд.

* * *

Топмади жоним каманд-и зулфи илгиндин кушод,
Бўлмади ғамгину шикаста кўнгул ҳам ҳеч шод.

Жумла оламнинг иши мантак парншон бўлғуси,
Сунбули зулфунгдин ошса ногаҳоне тунд бод.

Сафҳа-йи рухсоринг узра сунбул-и зулфунг кўруб,
Қолди ҳайрон когоз устинда басе хатту савод.

Ҳусн айёмида қилғил ушбу мискинга назар,
Давр-и гулга чунки йўқдур ҳеч вақт эътиқод.

Мухлис-и диринадин ёшурмагил юзунгниким,
Бу фақире хаста дилда бор ҳусн-и эътиқод.

Бир кўрар бўлса қаду юзунгни боғу бўстони,
Сарв-и зебоу гул-и раъно қилур юз инқиёд.

Ушбу қулнинг ҳасрати ул эрур, эй султон-и ҳусн,
Ким висолингдур муроду доим эрур номурод.

Ман санинг ёдинг била жонни берадурман vale.
Сансан ул султонки, қилмассан қулунгни ҳеч ёд.

Туну кун тинмай висолингни тилаб жони била
Ўлди Ҳофиз ҳажр элиндин сизга эмди умр бод.

* * *

Чакди бош ноз била мандин ўшул сарв-и баланд,
Ким йироқдин юзини кўргали бўлдум хурсанд.

Жоду кўзи қошидин қайди бора билгайман,
Чун қилибдур мани афсун била ул турраси банд.

Дом-и ишқинги тушубдур кўнглум андинким,
Солди жон бўйинна занжир сар-и зулфи каманд.

Мани девона чун айлабдур ўшул рашк-и пари,
Суд йўқдур ман савдозадага берманг панд.

Сўзи бирла кўзию лаъл-и лабин ёд этсам,
Тўтий-и жон тиламас шакару бодом ила қанд.

Тегмасун ногоҳ ўшул ой юзинга кўз теб,
Юзунинг оташи узра кўрунур холи сипанд.

Чунки бегонау беҳуш бўлубдур Ҳофиз,
Ошиолар била қайда қила билгай пайванд.

* * *

Кўргузур бўлса қадин боғда ул сарви баланд,
Зулфи жонимнинг одоқинға солур кўз кўра банд.

Кечди савдо-йи муҳаббат била ошиқ бошидин,
Бўлғали зулф-и хам андар хам-и жонон чу каманд.

Ман Мажнунға керак зулфидин онинг занжир,
Оқил эрсангиз ўш эмди манга сиз берманг панд.

Юзи устиндаги ул дона-йи холин севадур,
Оташ-и ишқ била қуйгали жоним чу сипанд.

Офтоб хадина нозиру ҳайрон бўлган
Кунда бир кўрмаг ила бўлмади ҳаргиз хурсанд.

Тўтилар борки сўзлари эрур бас ширин,
Лекин андоғ қай сўзи сучио шакарханд.

Они кимга бу жаҳон ичра киши ўхшатгай,
Жумла оламда чу бемисл эруру бемонанд.

Бўлмади меҳри жудо бир нафас жонимдин,
То анинг меҳри бу жоним била қилди пайванд.

Оташи ишқни Ҳофиз кўнглинидан изданг,
Чун анинг кўнглида бордур бу замон нор-и Хўжанд.

* * *

Мани banda қилиб, қилмассаи озод,
Қилурман жавр элиндин доду фарёд.

Күнгүлни ёқмагил жавру жафодин,
Қилур чун шоҳлар ўз мулкин обод.

Тиламан дод коғир кўзларингдин,
Нечаким қиласа бу жонимға бедод.

Санинг ёднинг била жонни берурман,
Не бўлғай айласанг бир бандадин ёд.

Лабинг ёди била жон бердим оре,
Берур Ширин учун жонини Фарҳод.

Санга шогирд эрур жоду-и Кашмир,
Бу фан ичра кўзунгдур коғир устод.

Эшигинг или йўлға чакди мени,
Қилур бир тариқат, ори, иршод.

Бу Ҳофиз жонини олғали, эй дўст,
Кўзунгтак йўқтурур устод жаллод.

* * *

Бу мажлис аросинда манга ёр керакдур,
Ул ғамзаси фитна, кўзи айёр керакдур.

Ман меҳру вафо, жавру жафосини билурман
Жонимға жафо қилғучи дилдор керакдур.

Ошиқ кўзи бедор **карак** уйқу юзинидин,
Дийдор кўярарга киши бедор керакдур.

Ҳар ким тиласа лаззат-и дийдорини, эй дўст,
Лаззат-и жаҳондин ўзи безор керакдур.

Сўзум **унутурмен** юзини кўрган ародা,
Сўз сўзламага тоқати дийдор керакдур.

Не турфа рақибни тиласам ёр қошинда,
Гул қадрини чун билмак учун хор керакдур.

Ҳофиз тилар ағёрии кўрмаклик ўшандин,
Ким ёрни билмак учун ағёр керакдур.

* * *

Гулистон юзлу, эй соқний, санинг ишқинг манга
жондур,
Ичалим боданиким, давр-и Иброҳим-и Султондур.
Мураввақ бода-йи софий тўлун ойға қилур таъна,
Ким ул Жам жомида рахшанда чун хуршид-и
тобондур.

Қўлинда бодани кўргали рахшон лаъл-и аҳмартак,
Жигархун доғ бирла тоғда лаъл-и Бадажшондур.

Санохон бўлса булбултак қаму жонлар ажаб эрмас,
Гул-и айшу тараб чунким анинг аҳдинда хандондур.

Суроҳийнинг каноринда мусаффо бодани кўруб,
Хижолатнинг ниқоби ичра пинҳон об-и ҳайвондур.

Тилар доим кўнгулу жон ўшандин файз-и раҳматни,
Чун онинг пок зотини кўрарман файз-и раҳмондур.

Саноу ҳамд этадур яратқан биру боринға,
Ўшул султон замонинда бу Ҳофизким ғазалхондур.

* * *

Эй тошбағирким сани кўнглум синағондур,
Ташлама жафо тошини шиша синағондур.

Жон кўзина хоки тиласам сурма қилурға,
Сурма эшигиндин мани чун сурма аёндур.

Кўзим қораси эрмас ўшул оқ ичинда, **БИБЛИОТЕКА**
Ҳодинг ситами бирла йигилғон қарғондурда **ОТФ**

2-2647 — 17 —

ИНВ. №



Қон бўлди юрагим лаби лаълингни тилаю,
Лутф айлаб ўшул шарбат ила ташнани қондур.

Юзунгни муродимга кўра билмадим, эй дўст,
Одам кўзидин жинс-и парий, ори, ниҳондур.

Бошким одоқинг остида тупроқ кўринимас,
Бош эрмас ўшул ошиқингга бори гарондур.

Ҳофизки сўз айтур лаъл-и лабинг сифотинда,
Сўз эрмас ул арбоб-и назар қошида жондур.

* * *

Эй суманбар гул юзунгтак вард-и аҳмар қандадур,
Қадди зебонг ила тенг сарву сановбар қандадур.

Тўти-йи жон қутини ёқут-и лаълингдин тилар,
Сучи сўзлу лаълинга тенг шаҳду шаккар қандадур.

Жоним осойиш топар ширин лабинг сўзи била,
Дилрабо ширин лабингтак руҳпарвар қандадур.

Оlam ичра суврат-и жонни тилаганлар учун,
Сан тикин бир нозанин руҳ-и мусаввар қандадур.

Жаннат эрур юзунгу лаълингдур об-и кавсар-ий,
Жаннат-и мавъуд ила ул об-и кавсар қандадур.

Лутф қилғил гоҳ гоҳи ман фақир-и хастага,
Лутф ошиқларга қилмас ёру дилбар қандадур.

Сан қошимда бўлмасанг оламни кўрмас кўзларим,
Сансизин оламда бўлған кўз мунаввар қандадур,

Мушку анбарни қаро зулфингга нисбат айласам,
Айтгай атторким андоғ муаттар қандадур.

Бўлғали Ҳофиз гадо-йи кўйунг, эй султон-и ҳусн,
Андайин оламда дарвеш-и тавонгар қандадур.

* * *

Маниким, ул пари юзлу санам вайрона айлабдур,
Олибдур ғамзадин жону ўзин жонона айлабдур.

Маним жонимни ўртабдур ғаму хасрат ўти бирла,
Ўзинга кимни ким ул шамъ-и жон парвона
айлабдур.

Кўзум кўргали ул зебо санамнинг шаклу ашколин,
Хаёли бирла кўнглумни кўзум бутхона айлабдур.

Хаёл-и ёрдин ўзга била ман ёр эмасманким,
Ўзинга ошною барчадин бегона айлабдур.

Ушул жоду кўзининг ғамзасинга тенг кўринмайдур,
Нечаким жодулар афсун била афсона айлабдур.

Машом-и жонға хуш бўе келтирибдур сабо доим,
Каманд-и зулф-и мушкинин қачонким шона
айлабдур.

Хаёл-и зулфи холиндин қачон Ҳофиз қутулғайким,
Бу сўзни жон била ўзинга дому дона айлабдур.

* * *

Жонни ўтға қўрга солған ул санам кўз қошидур,
Ким анинг нақшинда ҳайрон Руму Чин наққошидур.

Гоҳ жуфтутоҳ тушса тоқ ишим не ажаб,
Ҳусни бирла чунки жуфтутоқ дилбар қошидур.

Доман-и покинга ногоҳ тегмасун гарде тею,
Мардум-и кўзум сақоу кипругум фаррошидур.

Обрўе эркан манга бас обрўсиз халқ аро,
Айлаган сиримни фош айлаб кўзумнинг ёшидур.

Тош эшигиндин ўшанинг тош не теб буляйм,
Чун кўрарман лаълу маржон эшигининг тошидур.

Яхши масжидни кўрар зоҳид басе майхонадин,
Найласун бечора чун бу кўйда ул ношийдур.

Илтифоте қилмади Ҳофиз жаҳон жоҳинға ҳам,
Ул шаҳаншоҳ-и замоннинг ринду ҳам қаллошидур.

* * *

Шом-и зулфунг субҳ-и содиқ янглиғ меҳрангиз
Эрур,
Субҳ юзунг узра зулфунг шоми бас чун рез эрур.

Обрўйи топғаман махшар кунинда не хато,
Чун манга ул зулф-и анбарбез дастовез эрур.

Ошғаниндин бери зулфунгдин насим-и субҳдам,
Бўстонлар аро мушқафшону анбарбез эрур.

Лолатак юзунг кўруб ғуича бу кўнглум бўлғали,
Хор-и мужгонинг маним қоним учун сартеz эрур.

Ер ўпар қадингни кўрган орада сарв-и саҳий,
Ҳар неча ким бош чекар бўстонда ул навхез эрур.

Доимо бемор бўлса кўзларинг эрмас ажаб,
Ким маним қоним ичар ул маству бепарҳез эрур,

Талх бу қулға рақибнинг қошида сўзламагинг,
Кўринур ширину лекин шаҳди заҳромиз эрур.

Қисса-йи Ширину Хусрав асири шириндур вале,
Қисса-йи пурғусса-йи Фарҳод шўрангиз эрур.

Қолмағил дарбанд Хоразм ичра, эй Ҳофиз мудом,
Сўзларинг овозасидин тўлу чун Табриз эрур.

* * *

Ул ёрдин жафо манга нозу наим эрур,
Ағёрнинг вафоси азоб-и алым эрур.

Не турфа, кўзга илса кўзум ёшини ҳабиб,
Чун ёрдур ятиму бу дурри ятим эрур.

Юзунда юз сафо тақи зулфинда тира ҳол,
Кўргали хаста жон иши умиду бийм эрур.

Ҳар лаҳза ҳолдин кечадур ҳолға кўзи
Бир ҳол уза қачон бўлур улким сақим эрур.

Кўнглум тилар ҳамеша ўшал сарвқадни,
Доим кўнгул табиати чун мустақим эрур.

Сўргали оғзини чакадурман маломатин,
Чун мусҳаф-и жамолда тор оғзи мим эрур.

Хос ўз қулинға лутғ этиб раҳм қиласа ёр,
Мухлис қадимий қул анга Абдурраҳим эрур.

* * *

Ул санамнинг юзиким гулзор эрур,
Юзининг гулзорина гул зор эрур.

Кўнглум олған ул қора кўзлу санам,
Турраситак доимо таррор эрур.

Кўзлари мастона уйқуда вале,
Доим онинг фитнаси бедор эрур.

Ғамза бирла қилди озор ўзгани,
Хаста кўнглумда ҳамин озор эрур.

Шукр этарман қадғусиндин доимо
Ким манга ҳар ҳолда хуш ёр эрур.

Жон била севдим ўшул жононниким,
Зорию афғондин ул безор эрур.

Хофизо чаккил фироқиндин жафо,
Васли тушмас илгинга noctor эрур.

* * *

Эй ким бўйунгға рост келибдур шиор-и шеър
Сандин зиёда бўлди басе кору бор-и шеър

Чаккил бу мол тависини манзилга тегру рост,
Чунким элингда бор ҳамиша маҳор-и шеър.

Фаввос янгли баҳри жаҳон ичра бўлмайин
Топмади ҳар садаф гуҳар-и обдор-и шеър.

Зулматнинг ичра қолдию бўлди жаҳаннамий,
Ҳар жонғаким етишмади бу нуру нор-и шеър.

Гар шеърнинг шаробин ичиб хок бўлсамен,
Бўлғай жунун бошда балое хуммор-и шеър.

Ман шеърнинг сифотини ул дамда неткамен
Ким бўлмаса бу чеҳра-йи жонда ғубор-и шеър.

Шери худой Қанбари бўлғали жон била,
Хофиз қўлинда бор турур зулфиқор-и шеър.

* * *

Маниким ул санами гулузор зор қилур,
Ўзини ўзгага дилдору ғамгузор қилур.

Ниҳон эди иўнгулу жонда сирр-и ишқ вале,
Карашма бирла ниҳон сирни ошкор қилур.

Оғзини тесамиз бор йўқ эрур, илло
Шакар сифат сучи сўз бирла йўқни бор қилур.

Жафоу жавр била ёр ёр бўлғали
Бу кенг жаҳонни манга оғзитак не тор қилур.

Юзиндин олса ниқоб ул гул-и латофату ноз
Чаманинг ичраки гулларни шармисор қилур.

Қарор васлини гар қилмас ажаб эрмас,
Қачон бу умр-и азизим манга қарор қилур.

Одоқи тупроқини кўзга чакмаса Ҳофиз,
Еши равон бўлуриндин кўзи ғубор қилур.

* * *

Ушул товус янглифким чаманда хуш хиром айлар,
Ҳамеша тўтий-и гёё бикин ширин калом айлар.

Ажаб эрмас анинг ҳуснинга қул бўлса бу ошиқлар,
Ким ул шоҳ-и замон ҳусни ила Юсуфни ғулом
айлар.

Анинг зулфи юзин кўргали ошиқ аз бар-и ихлос,
Дуо-йи давлатин пайваста вирд субҳу шом айлар.

Ҳалол этмаса қонини анинг лаъл-и лабин кўруб,
Шароб-и ишқни ўзинга ул киши ҳаром айлар.

Чиқарур ному оламни тутар хуш сўз била шаксиз,
Кишиким ишқнинг йўлинда тарқ-и нангум ном айлар.

Тилар жоним қуши парвоз этиб жонона эшигин,
Ҳамеша ошёнин чунким ул олиймақом айлар.

Эрур моҳ тамом ул сарв қад дилдорнинг юзи,
Бу Ҳофиз ҳам ани кўруб сўзин эмди тамом айлар.

* * *

Эй пари, ҳусн ичра сантак ҳеч инсон йўқ турур.
Зарраларга сон бору ушшоқинга сон йўқ турур.

Үлтуур бўлсанг жамолинг кўргузуб ўлтур мани,
Ким муҳаббат қониға андин ўзга товоң йўқ турур.

Эй камон абру, хаданг-и ғамзани отғил сан манга,
Кеш-и ишқ ичра чу мандин ўзга қурбон йўқ турур.

Гулистанда гул юзунга бар ошиқ кўп, вале
Булбул-и ошуфта янглиғ зору нолон йўқ турур.

Тоқат этмаса кўзум юзунгга бақмаға не тонг,
Чун қуёшнинг юзина бақмаға имкон йўқ турур.

Кўзларинг ҳолимни кўрдию манга раҳм этмади,
Гўйиё ул коғиристанда мусулмон йўқ турур.

Заҳр-и ҳижронингни кўб ичдим, висолинг шарбати
Бирла қондурссанг не бўлғай, орада қон йўқ турур.

Олинга, эй ол юзлу, кўнглум олдурдум тамом,
Оlam ичра бир манингтак гўлу нодон йўқ турур.

Хофиз-и бечоранинг қадрини билгил, эй санам,
Ким анингтак ошиқ-и муҳлис фаровон йўқ турур.

* * *

Соқий, вақти гул эрур бодайи гулгун келтур,
Мутрибо, чанг тузуб нағма-йи мавзун келтур.

Кўнглум ақл иқолиндин эрур бас тийра,
Оқил элтиб мани майхонаға мажнун келтур.

*Уз қонимга бўлубман бу замонда ташна,
Бода бўлмаса келиб тиф била хун келтур.*

Андаким зоҳид эдим бода ҳаром эрди манга,
Ринду қаллош-и харобатман акнун, келтур.

Бодани жом-и жаҳондин ичибон бўлман масти,
Мани масти айлагали бода-йи дигаргун келтур.

Моҳ-и нав янглиғ агарчи манга тушди каму кост
Моҳ-и тобонтак ўшул ратлни афзун келтур.

Топмасанг Ҳофиз бечора учун жом мудом,
Ушбу таркибдин эмди анга маъжун келтур.

* * *

Юзунг офтобики тобон бўлур,
Жамолинг кўруб меҳр пинҳон бўлур.

Агар заррага зарра қилсанг назар,
Ўшул зарра хуршид-и раҳшон бўлур.

Қачон сўзга келсанг ўшул лаб била,
Назарда равон об-и ҳайвон бўлур.

Табассум агар қилса лаъл-и лабинг,
Наботу шакар нархи арzon бўлур.

Бу ғунча кўнглумга раҳм айласанг,
Фараҳ бирла гул янгли хандон бўлур.

Гулистонға сансиз агар борсаман,
Гулистон манга кунж-и зиндан бўлур.

Юзунг аксидин хор топса сафо,
Ўшул хорда юз гулистан бўлур.

Назар айлар эрсанг гадо ҳолина,
Гадо мулки маънода султон бўлур.

Агар дам урур бўлса сансиз даме,
Ҳамон дамда Ҳофиз пушаймон бўлур.

* * *

Ул гуликим юзидин лола юзида доғ бор,
Сунбули зулфунгга бақсам турлу-турлу ёғ бор.

Күргали хуршид-и рахшонтак юзини ойина,
Моҳ-и тобон юзида ҳасрат била юз доғ бор.

Қошмудур моҳ-и тобон устида ёхуд ҳилол,
Е тақи товус-и пурнақш узра пар-и зоғ бор.

Зулф-и Чинни васлинни қилғанда шона дам-бадам,
Чин эмас Чин нофасини ким теса андоғ бор.

Зулфи бирла сонди шакли кўзум ичра эрур,
Андайин балиқ илингган баҳрдаким оғ бор.

Келсун ул жонон кўзум қошинғаю, қилсун қарор,
Ким бу чашма теграсинда асрү хуш яйлог бор.

Ул бут-и бераҳм кўнглинга кўра чун мум эрур,
Сангি хоро бирла мармардинки қайдა тоғ бор.

Лоғ этиб гар жон ширинни тиласа бергаман,
Шаккарин лаъл-и лабинда чун анингтак лоғ бор.

Бўлмаса Ҳофизга боғу роғ қайдада ғам бўлар,
Чунки зулфу юзидин юз турли боғу роғ бор.

* * *

Не жафо жонима қилмоқким ўшул ёр тилар,
Юз ниёз ила ўшани дилафгор тилар.

Завқ озорин чун топди кўнгул жонондин,
Ҳар нафас хаста кўнгул жон била озор тилар.

Нур бирла тўлудур жумла-йи олам, лекин
Шамъининг ошиқи ёимоқлик учун тор тилар.

Гул жамолини кўруб ошиқи бечора бўлуб,
Жон берур булбулу гул ҳамдамий-и хор тилар.

Дард-и дил хаста кўнгулдин не тариқа кетсун,
Чун табибим ман-и дилхастани бемор тилар.

Толиб-и дунё тилар давлат-и дунёни, vale
Ошиқ-и сўхтадил давлат-и дийдор тилар.

Дор-и дунёда басе боғу гулистон бор экан,
Хофиз-и сўхта Мансурсифат дор тилар.

* * *

Ғамза-йи коғир биланким мулки жон оқмоқ тилар,
Ер юзинга бу жиҳатдин кўз ёши оқмоқ тилар.

Ҳеч ҳол ичра муҳаббат ҳолидин теман, vale
Ғамза-йи ғаммоз бирла ул мани чақмоқ тилар.

Ушбу ошуфта кўнгул мажнуну савдоий бўлур,
Мандин ўзга ёнса ким ул пари боқмоқ тилар.

Ман муҳаббат домина йиллар эрур вобастаман,
Зулфи занжирин недин жон бўйина тақмоқ тилар.

Жондин ул кечару охир қилур ўзин фано,
Ҳар киши ким ушбу жонон эшигин қоқмоқ тилар.

Ҳажр ўтиндик сийнаси мажруҳу бирён бор экан,
Марҳам-и васлии била билман, кима ёқмоқ тилар.

Ўртанурман Ҳофизо, ул дамда ҳасрат ўтина,
Ман бор эркан ўзга ошиқниким ул топмоқ тилар.

* * *

Ул ҳилол-и ийднинг шаклимудур ё қошлар,
Ким анииг нақшинда ҳайрон қўрунур наққошлар.

Хатт-и фармониндин онинг тошга чиқмагай бошим,
Тошу ичиндин неча ёғса бошқа-бошқа тошлар.

Ғайри кўнглумда қарор айламаса эрмас ажаб,
Баҳр чун хошокни ташқару ҳар дам тошлар.

Бошға тушкали ҳаво-йи васли ул жононанинг
Бўлди бу дилрешнинг бағринда турлу тошлар.

Зулфи савдосинда бошим елга борғали тилар.
Бўла билгайман тею Мажнун била одошлар.

Бўлмаса кўзум ёши оҳим ўти ўртар эди,
Оlam ичра нечаким бўлса қуруву ёшлар.

Манъ қилманг ишқидин гар ўтға ёнсам ёнмасам,
Не тиласиз ушбу жонимдин маним, қардошлар.

Ман муҳаббат шаҳрида саргаштаю побастаман,
Қайди кўнглунгиз тиласа боринглар йўлдошлар

Барчадин бегона бўлуб Ҳофизо қаллош бўл,
Чун муҳаббат баҳринадур ошно қаллошлар.

* * *

Ул дамдаким муҳаббат ўти бирла жон ёнар,
Оҳ айлар эсам оҳим ўтидин жаҳон ёнар.

Ул дамки юзини соғиниб оҳ чаксаман,
Не шаку шубҳа меҳру моҳ осмон ёнар.

Гар шуълае тушар эса бўстонға юзидин,
Ул шўъла бирла жумла гул-и бўстон ёнар.

Жаннатда гар бу шакл била қилса хуш хиром,
Ҳасратнинг ўтина қаму ҳур-и жинон ёнар.

Шамъ-и юзини васф эта билмак маҳол эрур
Чун ёдин айласам бу сўзумдин забон ёнар.

Ошиқки билди лаззат-и сўзу гудозини
Эртага тегру шамъ сифат дармиён ёнар.

Ҳофиз, эшигидаки чакарман фифону оҳ,
Бу оҳим илгидин кечалар посбон ёнар.

* * *

Фироқининг ғами ичра кўзум равон иғлар,
Бу кўз ёшини кўруб танда жон равон иғлар.

Нафиру нола ўшул шаҳ фироқидин қилсам,
Кўруб бу дард-и дилим барча посбон иғлар.

Фироқидин қуёrimни жаҳонда фош этсам,
Парию деву малак барча инсу жон иғлар.

Хаёликим манга ҳар кечада меҳмон бўлур,
Раҳм қилиб манга пайваста меҳмон иғлар.

Эшигининг ити кўргандада, ҳай, қариндош теб,
Жароҳатим кўруб ул ёр-и меҳрибон иғлар.

Бу иғламоқ била жондин тамом қўйл ювдим,
Тасаввур этмагасан ким бу ройи гон иғлар.

Жафоу жаврини ҳадсиз қиласидин ул шаҳ,
Кўрунг бу Ҳофиз-и мискинни турлу қон иғлар.

* * *

Лабидур тўти-ий шаккарпардоз,
Зулфидур ҳинду-ий камандандоз.

Муҳтасар бўлди оғзи бирла сўзум,
Гарчи зулфитак эрди дуру дароз.

Нозинни юз ниёз ила тиласам,
Ноз бир қилғали қилур юз ноз.

Банда эрди Аёзу шаҳ Маҳмуд,
Банда Маҳмуд бўлди шоҳ Аёз.

Лутф қилса манга ғариб эрмас,
Ман ғарибу ўшул ғарибнавоз.

Ҳолу розимни ғам билур шаксиз,
Иўқ манга ғамдин ўзга маҳрам-и роз.

Ишқнинг ўтина ёнар жоним,
Шамънинг ишидур чу сўзу гудоз.

Чаксаман эшигинда оҳу фифон,
Ул жаҳондин эшитгасиз овоз.

Кеч бу Хоразмдин равон, Ҳофиз,
Тилар эрсанг Ироқу ҳам Шероз.

* * *

Кўнглумни олан оҳу-йи ваҳший қочадур боз,
Ҳар неча ниёз айласам, ул онча қилур ноз.

Жоним қуши гар чиқса танимнинг қафасиндин,
Қилғай эрди бори ўшанинг кўйинда парвоз.

Туфроқ ўш онинг қади ҳавосинда бўлайим,
То раҳим қилиб чиқғай ўшул сарв-и сарафroz.

Ошиқ назари пок каракдур бу жаҳондин,
Чун зоғ бикин савмади мурдорни шаҳбоз.

Ўртуклу агар қолмаса ҳолим ажаб эрмас,
Чуп ишқ тақи мушк эрур ўзина ғаммоз.

Юз тийр-и бало келди эса ёр ёниндин,
Қайтармади ҳаргиз юзини ошиқ-и жонбоз.

Ҳофизни кўрунг ушбу замон турк тилинда,
Гар кечди эса форсда ул Ҳофиз-и Шероз.

* * *

Майдинки бу мажлисда тўлу жом кўрунмас,
Мажлис ишида қатра саранжом кўрунмас.

Ком издаюр эрсанг чакакўр жомни ҳар дам,
Чун жомсизин умрга хуш ком кўрунмас.

Ҳар нечаки бўстону гулистонни казарман,
Андоғ манга бир сарв-и гуландом кўрунмас.

Юзи била зулфи сўзин аврод қилибман,
Ошиқға чу мундоғ саҳару шом кўрунмас.

Айём балосига сиғинурман ўш ондин,
Ул шўх бикин фитна чу айём кўрунмас.

Инъом-и лаб-и лаълин ўш онинг талаб айлаб,
Жон етти тудоқимғаю инъом кўрунмас.

Кўз тутмагил, эй Ҳофиз, ўш ондин шафқатни,
Коғир кўзи давринда чу ислом кўрунмас.

* * *

Юзунг борида меҳр ила моҳтоб каракмас,
Қошинг қошида тоқ ила меҳроб каракмас.

Ул юз била зулфунгни кўруб ошиқ-и содик,
Гулни тиламас сунбул-и сероб каракмас.

Ширин лаб-и лаълинг сўза машғул бўлурда,
Ошиқларингга қанд ила жулоб каракмас.

Қон ёш юзум узра борур жавринг элиндин,
Мундин ўнгин ул сафҳа уза боб каракмас.

Ғарқ айлади кўз чашмаси дарё бики мани,
Ғарқ эткучи мундоғ манга селоб каракмас.

Кўнглумни олиб солма назардин мани, эй дўст,
Яхши тақи кўрклу киши қаллоб каракмас.

Ҳофиз эшигингнинг итина берди қродат,
Андиким анга шайх ила асъоб каракмас.

* * *

Қароре бир замон қошимда ул зебо нигор этмас,
Маним умр-и азизимдур ўшул ёндин қарор этмас.

Кимунгким давлату иқболини ул пойдор айлар,
Софинмаким мақому манзилини пойдор этмас.

Ҳаво-йи ишқ бирла тозадур гулзор-и жон доим,
Ҳаво-йи ишқ қилған ишни ҳаргиз наубаҳор этмас.

Даме ул сарв-и озодим чиқиб тинмас эшигинда,
Кўзумнинг ёшидин токим эшигин лолазор этмас.

Кўзи турк сипоҳитак чакар кирпугидин ханжар,
Ўшул хунрез ханжар қилған ишни зулфиқор этмас.

Қилур оҳим асар токи тегарса санг-и хороға,
Валекин ул жафочи шўхнинг кўнглинга кор этмас.

Қачон топғай жаҳон ичра бу Ҳофиз ихтиёрини,
Ким анинг жони ул жонондин ўзга ихтиёр этмас.

* * *

Бу олам ичинда манга ул ёр топулмас,
Ғам бирла ўладурману ғамхор топулмас.


Нақд-и кўнгулу жонни назарға кетурубман,
Лекин бу матоимға харидор топулмас.

Кўзум ўёғу баҳт эрур уйқуда доим,
Эй войким, ул давлат-и бедор топулмас.

Мушкил эрур оҳим элидин ҳол мангаким,
Бўлди жигарим хун, тақи дилдор топулмас.


Не турфа агар бўлмаса бор анда манга ким
Дарвешга султон қошида бор топулмас.

وی کوکوئی سب تپ
چ خواهی کردت ن









Ҳар нечаки күнглумни қилур жавр ила озор,
Бир заррача зоҳирда ул озор топулмас.

Бу хаста дилин сўрмади дилдор ва лекин
Ҳофиз бики ошиқ анга бисёр топулмас.

* * *

Чакилибдур қалам-и сунъ билан ул кўзу қош,
Ким онинг нақшина ҳайрон кўринур юз наққош.

Тош ичинда кўрунур сийм ҳамеша, илло
Бас ажаб, сиймбари ичра эрур кўнгли тош.

Оҳим ўти кўнглингга асар эткай эрди,
Бўла билса эди оҳимнинг ўти сангторош.

Бош борур бўлғай анииг қайғусидин охир кор,
Ким анииг қайғусидин бўлди юрагимда тош.

Бўлмасун зарра ғуборе теб анииг йўлинида,
Бўлди кўз мардуми саққо тақи кирпук фаррош.

Иғлатур абр-и баҳори бики кўзларимни,
Магар ул сарви равон кўз ёшидин бўлур ёш.

Муддай ҳеч кўра билмади Ҳофиз сўзини,
Тонг эмас кўрмаса ҳуршид юзини хаффош.

* * *

Кўрарман жон кўзи бирла аниингтак кўрқлу жонон
йўқ,
Маним жонимға жавр эткучи андоғ ҳеч султон йўқ.

Адоқи тупроқин кўруб уялганиндин ўш эмди,
Бўлубдур халиқ-и олам орасинда об-и ҳайвон йўқ.

Қила билман ўшул кофир қаро зулфи била савдо,
Ким ойтак юзидин бошға кўрарман нур-и имон йўқ.

Агар парда жамолиндин кетарса бир замон ул шаҳ,
Жамолу ҳусни рашкиндин бўлур хуршид-и тобон
йўқ.

Нечаким жавр этар бўлса маним жонимға раҳм
этмай,
Севарман жону тан бирла, бу сўзда зарра ёлғон
йўқ.

Жаҳон баҳринда кўп каздим валие хуш шеърдин
лойик,
Ушул султон қулоқнинг кўрарман дурр-и ғалтон
йўқ.

Казиб гул юзи ишқинда чу булбултак равон сайрап,
Кўрарман ушбу даврон ичра Ҳофизтак ғазалхон
йўқ.

* * *

Мани ошифтаю мажнун қилур зулфи паришонинг,
Кўнгулни ҳам солур зиндонга ул чоҳ-и занахдонинг.

Ўлуклар жон топар доим зилол-и об-и ҳайвондин,
Недин бе жон қилур мени зилол-и об-и ҳайвонинг.

Қаро зулфинг била Чин мушки қайда тенг бўла
билсун,
Шикаст-и мушк-и Чин айлар чу зулф-и
анбарафшонинг.

Гулистон бирла боғ ичра кула кириб юзунг очсанг,
Солур ноз ичра турлу нор ул дам нор-и хандонинг.

Жамолинг гулистаниндин қачон хушвақт бўлғайман,
Жигарни гул биқин чун пора айлар хор-и
мужгонинг.

Лаб-и лаълинг уза ул сабза-йи хаттиигни кўргузсанг,
Қилур ёқутни шарманда шаксиз хатт-и райҳонинг.

Ажаб эрмас юзинг кўрган аро ҳайрону данг ўлсам,
Чу юзингни кўруб Ҳофиз бўлубдур дангу ҳайронинг.

* * *

Жаҳонни тутди, эй дилбар, жамолинг,
Жамолинга кўрадур ҳам жалолинг.

Ҳамеша ошиқ учун равшан ўлгай
Жаҳоннинг ичра меҳр-и безаволинг.

Қошинг нун эрур, оғзинг мим янглиғ,
Сар-и зулфунг чу долу нуқта холинг.

Белинг фикринда бўлдум ман хаёлий,
Тақи не қилғуси нозик хаёлинг.

Юз олинг бирла жонларни олурсан,
Мунингтакким кўрунур юзда олинг.

Закот-и ҳуснингиздин лутф айлаб,
Беринг бир бўса, мискин кўнглиғ олинг.

Кетурдн сўзга жоннинг тўтийсини,
Бу Ҳофиз янглиғ ул шаккар мақолинг.

* * *

Эй шаҳзода, лутф ила гаҳ-гаҳ қулуигни ёд қил,
Ғам илгидин озод этиб, хаста кўнгулин шод қил.

Банд-и ғам ичра хастаман зулфунг бинкин
шакстаман,
Ишкастаю ҳам бастаман, бу қулни, кел, озод қил.

Ул ганж-и ҳуснунг ишқида бўлдум хароб, эй
нозанин,
Вайрона кўнглумни бироз лутфунг била обод қил.
Ишқ ичра жон бирла тилар тан хок-и роҳинг
бўлғали,
Шаҳр-и вужудумни йиқиб жон мулкида бунёд қил.
Жабрунг элиндин дод теб, фарёд қилсан ногаҳон,
Ҳар бир жафоу жавр учун жонимға юз бедод қил.
Эй лола юзлу ол мангиз, сарв-и хиромонтак чиқиб,
Бурқаъ кеториб ҳуснунгга хуршидни минқод қил.
Ҳофиз эрур жоний бу дам ул ғамзаю кўзунг савуб,
Ул турк-и коғиркешни жони учун жаллод қил.

* * *

Навбаҳор эрур чаманда соқий айш оғоз қил,
Чанг бирла уду найни завқ этарга соз қил.
Ошиқона нолау гулбанг этиб чимган аро,
Булбул-и ошифтани ўзинг била дамсоз қил.
Ростий ушишоқни баргу навоға лутф этиб,
Бу мақом ичра мақом-и дилнавоз оғоз қил.
Бўстон-и ҳусн ичра очди эрса гул юзин,
Булбул-и шайдо бикин ҳар ёнға бир парвоз қил.
Ғунча янглиғ зарғонлиқ ёнина солма гириҳ,
Гулнинг авроқи бикин неким бор эмди боз қил.
Қадд-и жононни хиромон бўстон ичра кўруб.
Ёд-и шамшод айламаю тарқ-и сарвиоз қил.
Гулистони ишқ ичра гул бикин хандон бўлуб,
Лутф бирла Ҳофиз-и майхорани овоз қил.

* * *

Васл бирла ошиқ-и бечорани шод айлагил,
Иўлдин озған қулни лутфунг бирла иршод айлагил.

Подшоҳ-и ҳусн эрурсан лутфу эҳсонинг била,
Банд-и ғамдин бандани бир лаҳза озод айлагил.

Қадр кечаси бикин зулфунгни юздин кетариб,
Офтобу моҳни ўзунгга минқод айлагил.

Раҳм қилмай ошиқ-и бечораларнинг ҳолина,
Ким айтдиким санга кўнглунгни пўлод айлагил.

Кўп жафоу зулм этар кўзунг, vale сўзунг била
Раҳм этиб мазлумларға ҳар нафас дод айлагил.

Жон чикаримни билиб ул лаъли шаккарбор учун,
Қисса-йи Ширин била ҳамаҳд-и Фарҳод айлагил.

Қулларингни ёд қиласанг тарбият қилмоқ учун,
Банда-йи диринадур Ҳофизни ҳам ёд айлагил.

* * *

Ўзгалар бирла бориб майл-и шароб айламагил,
Жигаримни ғам ўти бирла кабоб айламагил.

Нозанинсан санга юз турлу ниёзим бор экан,
Ўзгаларнинг ҳаққина нозу итоб айламагил.

Ғаму дардинг била маъмур эрур жону кўнгул,
Дарду ғам бермай ўш онларни хароб айламагил.

Гоҳ-гоҳи келибон бўлған аро банданавоз,
Умртак кетгали ҳар лаҳза шитоб айламагил.

Лаб-и лаълинг ҳаваси бирла кўзумнинг ёшин,
Табақ-и зар уза чун дурр-и хушоб айламагил.

Печу тоб издамасанг хаста маким жоним учун,
Гул уза сунбул-и серобини ноб айламагил.

Тийра бўлмасун агар тесанг Ҳофиз кўнглини,
Зулф-и шабрангни юзингга ниқоб айламагил.

* * *

Чун гўзаллар орасинда йўқ анингтак бир гўзал,
Ким шакартак лаълидин бўлса равон сувтак асал.

Шаккар ўхшарман теса оғзинга яхши бўлмағай,
Чун бу сўз аҳл-и маоний қошидадур бемаҳал.

Жон лаб-и лаъли тиласа қилғаман ул дам равон,
Гарчи бўлса бехато кўнглумда юз ширин хадал.

Кўз ёшиидин кўзларим эви бўлуб туур ҳароб,
Ори, борондин тушар бунёд эвларга халал.

Юзи шавқинда кўзум оқса оқариб, не ажаб,
Дойимо чун қорни оқтурди хуршид-и ҳамал.

Қайда бўлсун меҳридин ошиқ бу оламда жудо,
Чун қила билмас жудо меҳрин анинг тифи ажал.

Кўз қарартур жумла арбоб-и маоний сўзума,
Ул газал учун қачонким айтсан Ҳофиз ғазал.

* * *

Чаманинг ичра, эй сарви равон, келиб хиром этгил,
Жамолу ҳуснунгга гулзор гулларин ғулом этгил.

Отиб бир ғамза ўқини ўшул мастона кўзлардин,
Маним кўзимга уйқуни ўш ондин сўнг ҳаром этгил.

Сўзумнинг йўқтуур завқи лаб-и лаълингни
сўрмайин,
Лаби лаълингни сўрдурууб мани ширинкалом этгил.

Юрагимни қилиб пора ичарсан қонини ҳар дам,
Ким ўгратти шароб учун сангаким қасд-и жом
этгил,

Чиқариб жонни бу тандин ўшул султон-и ишқингни,
Равон жонимнинг ўрнинға келиб қойиммақом этгил.

Жаҳоннинг ичра кўс-и ҳусн урған моҳ-и тобондур,
Ўш оннинг навбатин, эй жон, юзунг очиб тамом
этгил.

Саломатлик тилар бўлсанг фиғону оҳ илгиндин,
Берарда ушбу қул Ҳофизға, эй султон, салом этгил.

* * *

Эй юзи олким эрур ишинг ҳамеша ол,
Солма, бу ошиқнинг кўнгулни лутф бирла ол.

Юз турлу ол бирла кўнгулумни олким,
Сероб лолатак кўрунур юзунг узра ол.

Гар жони бирла ошиқ эмасдур недин камар,
Нозик белингни қучмоқ учун боғлади хиёл.

Оғзинг хаёли бирла бу ошиқ кўнгулни
Об-и ҳаёт чашмаси айлади зул жалол.

Кун тушда ҳусн даъвоси қилди юзунг кўруб,
Қолди хижолат ичра тушди анга завол.

Ҳофиз айтди ушбу ғазални равон чу об,
Токим жавоб айтса латифу равон жамол.

Кўрса эди бу шеърни туркий тилини билиб,
Юз офарин ўқигай эди шоҳимиз Камол.

* * *

Эй пари пайкарки, юзунг бадру қошингдур ҳилол.
Сан эрурсан олам ичра офтоб-и безавол.

Не сабабдин гул күринди гулистонда ранг-ранг,
Ол юзунг рангидин топмади эрса инфиол.

Сунбул-и зулфингниким солди сабо густох этиб,
Фоят-и нозиклигиндин бўлди гул юзунгда ҳол.

Ришта-йи жонтак белинг сиринга етишмадилар,
Нечаким борик танлар қилдилар бас қилу кол.

Не ажаб бўлғай агар ман қулни издаб топмасанг,
Нозик ул белинг хаёлидин бўлибман чун хаёл.

Хок-и роҳинг бўлмақимдин йўқ ғубор-и ғам манга,
Лек ғам улким сенга ўлтурмаса гард-и малол.

Тушкали қадинг хаёли дийда-йи ғамдийдага,
Гуйиёким жўйинбор ичра эрур тоза ниҳол.

Ҳар киши қайди айтғай шеърни Ҳофиз бикин,
Чун топибдур васф-и қадинг бирла табъ эътидол.

* * *

Ой юзунг шавқидин заъф ичраким бўлдум ҳилол,
Нозик ул белинг хаёли қилди мани чун хаёл.

Холи бўлмади даме холинг хаёлиндин кўнгул,
Чун қилур холинг хаёли дам-бадам дафъ-и малол.

Бас тиладим жон бериб лаъли лабингни сўргали,
Бермадинг ширин жавобе нечаким қилдим савол.

Аршининг соқинға бошим етгай эрди бехато,
Остонинг ўпкали топсам эди бир дам мажол.

Иўқ бўлурман қайдаким сан қилсанг, эй султон
зухр,

Бу жиҳатдин васлинг эрур бандага амр-и маҳол.

Жом-и Жам ичра шароб-и ишқ бўлмаса мудом,
Жом-и Жам билмангиз ониким эрур сангъ сафол.

Ҳол аҳли жамъида ҳоли санинг ишқинг била,
Турк Ҳофиз сўзларинда бор турлу завқу ҳол.

* * *

Кўзума кўргузуб, эй жону жаҳон ҳусну жамол,
Ол юзунг била ол айлаю жон мулкини ол.

Тутди ёзи юзини оҳим ўти мило-мил,
Кўзларим чашмасидин бўлди тақи моло-мол.

Ишқингиз ҳоли била ҳоле қиладур ҳолат,
Қайдаким бор бу дам покназар соҳиб-и ҳол.

Холи бўлмағали кўнглум хатту холинг сўзиндин,
Мани ошифтау бас тийра тутар ул хатту хол.

Доли давлат манга гар бўлмаса зулфунг, эй дўст,
Мусҳаф-и юзунг уза нок кўрунур суврат-и дол.

Бол очиб учди лабинг ёнина жоним, лекин
Магас оч ўлариндинким эрур фориг бол.

Бодани ёд қилиб лаъл-и лабингни тилади,
Билгали жон била хаста кўнглум ҳусн-и савол.

Зоҳид-и гўшанишиннинг кўнглин олмоқ учун
Кўргузур жоду кўзунг ғамза била саҳр-и ҳалол.

Кўргали ҳусну жамолингни камолинг бирла,
Топди Ҳофиз ғазали туркийда бас тавр-и Камол.

* * *

Айём-и висолин ўш анииг ёд қилайим,
Ғамгии күнглумни нафасе шод қилайим.

Устод манга дард әрур ишқ йўлинида,
Шогирдсифат хизмат-и устод қилайим.

Бунёд-и вужудим ғам-и ишқинда ёқилса,
Саҳро-йи адамда яна бунъёд қилайим.

Гар банд қилиб банда қилур бўлса замона,
Ўзумни ўш ул баиддин озод қилайим.

Ишқи ўтина анча ўз-ўзимни ёқайимким,
Кофири тақи бўлса, они минқод қилайим.

Ширин лаби лаълинни сўруб орзуманда,
Жон бирла равон қисса-ийи Фарҳод қилайим.

Ҳаддин ошурур бўлса жафо қилмоқини дўст,
Ҳофиз бикин эшикида фарёд қилайим.

* * *

Жом-и май ишқиндин онинг нўш қилайим,
Оlam ғамин, эй соқий, фаромуш қилайим.

Зоҳид тиласа қатра ўш ул жом-и сафодин,
Бир қатрадин они тақи беҳуш қилайим.

Гар пир-и муғон ҳукм қилур бўлса бу жонға,
Дур бикин ўшул сўзга садағғўш қилайим.

Жон коми әрур заҳр-и ғам-и ҳажр била талҳ,
Ширин лаби ёди била пурнўш қилайим.

Гар бод-и висол эсса ўш андин бу кўнгулга,
Дарё бикин ул ҳол била жўш қилайим.

Хуршид-и жаҳонтоб бикин очса юзини,
Сўз зулфини бу маънига рўпўш қиласайим.

Ҳофиз ўш анинг гулшан-и васли ҳавасиндин
Булбулни бу сўзлар била хомуш қиласайим.

* * *

Бода ичмаклик учун қасд-и лаб-и жом эталим,
Бошсиз ишлар борини эмди сарамжон эталим.

Шарт қилмоқдин агар муфлису ожиз бўлсоқ
Хирқамизни гаров айлагалиму вом эталим.

Май-и софийни биза келтуринг, эй сўфи-йи соф,
Ҳосил-и икки жаҳонни сиза инъом эталим.

Хосу ом орасида илм эясин мост айлаб,
Улуми ишқ ила оламга биз эълом эталим.

Масжиду савмаада барча қилур даъват-и дин,
Биз бориб майкадага даъват-и ислом эталим.

Шўхлиқ айласа минбар топуб ул воиз-и хом,
Ичуруб усруталим они тақи ром эталим.

Майнинг авсофи бу давр ичра қачон хатм бўлур,
Ҳофиз ушбу сўз ила шеърни итмол эталим.

* * *

Кўрклу юзунг бикин гулду гулзор кўрмадим,
Гулзор-и ҳуснунг ичра тақи хор кўрмадим.

Эмди ниёз йўлида жон хокироҳ эрур,
Чун ноз бирла ишқни ман ёр кўрмадим.

Мардана ишқ сиррини сақла кўнгулдаким,
Номардларни маҳрам-и асрор кўрмадим.

Озор қилдилар кунглумни ҳазор бор,
Илло күнгулда заррача озор күрмадим.

Гар издасанг сафо, тилагил дард-и ёрни,
Бедардни чу қойил-и авор күрмадим,

Дарду бало-йи ишқ била ёр бўлғали,
Оламнинг ичра ҳеч ман ағёр күрмадим.

Қаздим жаҳонни Ҳофиз-и аворатак, вале
Андоғ жаҳонда дилбар-и айёр күрмадим.

* * *

Кишининг қадрини билган жаҳонда ёр күрмадим,
Кўнгул асрағучи ҳам нозанин дилдор күрмадим.

Кўнгул мулкини асрарман тею олған басе бўлди,
Ва лекин олғаниндин сўнгра ман асар күрмадим.

Боқиб кўз учи бирла кўз кўра кўнглумни олдилар,
Матоъ-и қалбға мундин ўтингин бозор күрмадим.

Вафо сўзини кўп сўзлади олам ичра ёронлар,
Вале қилған вафо сўзинга бир дайёр күрмадим.

Жаҳоннинг ичра маънодин дам урган кўп эрур, илло
Бу дамнинг узра побаржой маънодор күрмадим.

Кимунг жонинда дард-и ишқ бўлса чора ўлмакдур.
Шифо топған бу дард-и ишқдин бемор күрмадим.

Ўзунгни ишқнинг ўтинга ёқғил ёр издасанг,
Чун, эй Ҳофиз, ўзингдин ўзга ман ағёр күрмадим.

* * *

Эмди боралим, ғўша-йи майхона туталим,
Усрук бўлалим, соғар-и паймона туталим.

Ушшоқ мақоми чун әрүр күй-и харобот,
Үзумиз учун анда бориб хона туталим.

Бехуш қилиб ўзина чун бизни қилур хуш,
Бас хуш не маъно била бегона туталим.

Мискинлик ила шоҳи замонни талаб айлаб,
Дарвеш бўлиб манзили гўшаи вайронга туталим.

Ҳар ишқи тутар бўлсақ аниг ишқи йўлинда,
Ед айлагалим кўзину мастона туталим.

Сонсиз қарами бирла қачон айласа сонсиз,
Ул дам шаҳ-и даврон қачон сона туталим.

Фармони хатиндин ёза бошламағалим теб,
Ул зулфини ёзмоқлик учун шона туталим.

Куйсак тақи ёнсак тақи ёнмас ўш эмди,
Шамъ-и юзина жонни чу парвона туталим.

Нечаки ўзумизни туталим оқилу ҳушёр,
Хофиз бики бир усреку девона туталим.

* * *

Бородур эшикина аниг равоним ҳар дам,
Кўк уза ҳам чиқодур оҳу фифоним ҳар дам.

Кўзга қайдада чаман ичра кўринур сарвиноз,
Ноз бирла юруса сарв-и равоним ҳар дам.

Қоматини соғиниб жон қуши парвоз этса,
Тўбининг узра кўрунур таяроним ҳар дам.

Новак-и ғамзаси токим жигаримга тегди,
Жигари кўздин оқар кўз кўра қоним ҳар дам.

Нечаким манъ-и назар кўзума қилдим юзидин,
Боқмас бўлмади чашм-и нигороним ҳар дам.

Ул замондаки, лаби лаълини ёд айларман,
Тудоқимға келур ул тандаги жоним ҳар дам.

Ед эта бошласа Ҳофиз ўш анинг тор оғзин,
Иўқ бўлур анда маним ному нишоним ҳар дам.

* * *

Ман вафолиг қулини қилмас ўзини ёр, англадим,
Қон ёши иғлатиб ўлтуур зор, англадим.

Ушбу тун ёрим эшикинда фигон чакдим, vale
Зорлиқимни эшитиб бўлди безор англадим.

Гар ҳавосинда ўш ул жононанинг жон берсаман,
Этмас бир кун кўнгул учун ҳаводор, англадим.

Бир назар бирла бу қулиниг ҳолини билмак учун,
Ерлиқ қилмас ўш ул кўзлари айёр, англадим.

Хуш келиб ўтди синон-и ғамзаси жондин, vale
Ўтканиндин сўнгра жоним ичра озор англадим.

Ул санамдин тонг ели густоҳ ошди субҳидам,
Қасд этарни жонима ман охир-и кор англадим.

Ўлтуурда бандасин эди рақиб таъназан,
Ҳофиз-и бечорани ул шаҳ суюрғар, англадим.

* * *

Жон ичра хиромон бўл, эй сарв-и хиромоним,
То жонни равон кўрсун тан ичраки бу жоним.

Бас ғунча бўлуб туур қадғу элида кўнглум,
Васлинг била шод айла они, гул-и хандоним.

Хар хориким илгингдин ўриаса кўзум ичра,
Ул хор эмас, эй жон, эрур гулурайхоним.

Ғамнок бўлуб борман саҳрову гулистанға,
То кунж-и ғаминг бўлди саҳрову гулистаним,

Гар хор-и фироқингдин бўлмаса кўнглум реш,
Бўлмагай эди гултак бу чок-и гирибоним.

Куфр-и сар-и зулфунгни пинҳон сава билмасман,
Чун қуфрнинг ичрадур пайдо маним имоним.

Ул зулф-и паришонинг савдойи қилур мани,
Чун дол ангадур ҳолий ўш хол-и паришоним.

Бош хокироҳинг бўлуб етишса адоқингға,
Ман қулга саодатдур, эй сарвару султоним.

Қулдурман аё султон Ҳофиз бики жон бирла,
Ул тесанг ўлайим ман, кўргуз хатт-и фармоним.

* * *

Кел, эй қишичра фасли навбаҳорим,
Ниқоб олғил юзунгдин лолазорим.

Агарчи пок эди, тардоман ўлди
Ғам-и ҳажрингда чашм-и ашкборим.

Қарап әркан қарор-и васлингизни,
Қарапарим йўқу ҳам сабру қарорим.

Ёниб ишқ ўтина топдим сафо, лек
Етишмади саңга бу нуру норим.

Не ғам бордур манга ағёрдинким,
Ғаму дардинг эрур пайваста ёрим

Бошимни қилдим эшикингда ман хок,
Вале поймол бўлди ёдгорим.

Жаҳон бўлғай эди Ҳофиз била дўст,
Тесанг эрдиким улдур дўстдорим.

* * *

Қошинг бўлғали меҳроб-и намозим,
Санинг нозингга бордур юз ниёзим.

Ёнарман шамътак ишқингдин, илло
Асар қилмас санга сўзу гудозим.

Навозиш сандин ўзгадин тиламан
Чу сандурсан ҳабибу дилнавозим.

Ўш ул лаб бирласан жон-и азизим,
Ўш ул қад бирласан умр-и дарозим.

Юзунгни кўргали ўзга юзинга
Назар қилмади чашм-и покбозим.

Тиламадим санубар бирла шамшод,
Қадинг бўлғали сарв-и сарфарозим.

Мақомим оқибат Маҳмуд бўлғай,
Агар тесангки Ҳофиздур Аёзим.

* * *

Улки юзи гулистонимдур маним,
Қомати сарв-и равонимдур маним.

Юзи меҳриндин кўнгул равшан эрур,
Юзи моҳ-и осмонимдур маним.

Завқ этарман оғзини савмак била,
Чун ўш ул айш-и ниҳонимдур маним.

Шаккарин лаъли лабин рангин тилаб,
Кўздин оқған ол қонимдур маним.

Ҳосило жонтак саварман ониким,
Ҳосил-и ҳар ду жаҳонимдур маним.

Ваъда-ийи васлинга қилмади вафо,
Ваъдаси асри ёлонимдур маним.

Ҳофиз-и бечоратак қулман анга,
Ушбу сўз вард-и забонимдур маним.

* * *

Эрур зулф-и дарози андайин дом,
Ки жон шоҳбозини боғлади модом.

Каманд-и зулфи чулғашди қадинға,
Анинг такким эрур печон алиф лом.

Дил оромин топа билмагай эрди,
Агар бўлмаса эрди ул дилором.

Юзинда ул лабу оғзи кўзибур
Табақ устинда шакар писта бодом.

Бас гулюзлулар бордур валекин,
Анингтак қани бир сарв-и гуландом.

Ҳилол қошини кўргузмак учун,
Эшикдин чиқса йиқилғай дару бом.

Аё Ҳофиз ўш ул жонон қошинда,
Жаҳон кўрклуларидури нақш-и ҳаммом.

* * *

Гар бўла билса ўш ул султонға лойиқ хидматим,
Аршдин аъло кўрунгай остоң-и иззатим.

Юзини кўрмай мақом-и ҳайрат ичраман vale,
Кўргузур бўлса юзин бўлғай зиёда ҳайратим.

Ман бор эркан ўзга ошиқға жафо қилмаса теб,
Бўлди ғолиб жону кўнглумда зиёда ҳасратим.

Ерни кўргали қилмадим назар ағёрға,
Ғайр ёнинга назар қилмаға қўймас ғайратим.

Хон-и васлиндин эрур дард-и ғам-и ҳижрон насиб,
Чунки қиссам азалдин ушбу бўлди қисматим.

Гарчи ман ҳошок янглиғ эшигинда хорман,
Бор арбоб-и назар қошинда қадру қийматим.

Ҳофизо, бўлса бошум жононанинг йўлинида хок,
Бўлғай эрди юз тариқа иззату ҳам давлатим.

* * *

Эй латофат осмонида юзи моҳ-и тамом,
Подшоҳ-и ҳусн сансан Юсуф-и Мисрий ғулом.

Завқ бирла ғунча янглиғ чок қилгай сийнани,
Гар сабо ошиқға кетурса висолиндин паём.

Кўзларим юзунгдин, эй жон, нур издаса не тонг,
Чун тилабдур афтобу моҳ андин нур вом.

Қайтарубдурлар юзини қибла-йи меҳробдин,
Юзунгу қошингни кўргали муаззин ҳам имом.

Оразинг бирла хатинг ҳусн ичра қайди тенг бўлур,
Доимо мағлуб эрур чун меҳр қошинда залом.

Хоб-и ғафлат бирла доим маст ноз айлаб турур
Наргис-и раъно бикин кўзунгни ҳайи то йаном,

Шаккар-и ширинтак ул лаълинг шаробин кўргали
Бўлди пинҳон ҳижлатидин шишанинг ичра мудом.

Ичди кўз кўра маним қонимни лаълинг ол ила,
Элга тушса сўруб андин чаккай эрдим интиқом.

Ол тудоқингни бу Ҳофиз буйла сўра билса эди,
Топғай эрди кўнгли издаган бикин оламда ком.

* * *

Ишқ дарди хаста жонимдин даме кам бўлмасин,
Реш жонимга ҳам андин ўзга марҳам бўлмасин.

Дард-и дилким доимо маҳрам бўлубтур жонима,
Андин ўзга олам ичра ёру маҳрам бўлмасин.

Ҳар ким издар ишқнинг ҳамдамлигини доимо,
Дардидин ўзга била бир лаҳза ҳамдам бўлмасин.

Оlam ичра оламе топмаса ошиқ дард ила,
Не сафо бўлғай бу олам ичра, олам бўлмасин.

Одам-и хокийда гар бунёд дарди бўлмаса,
Ушбу олам ичра ҳам бунёд-и одам бўлмасин.

Дарднинг бунёди муҳкам бўлмаса жон мулкида,
Ушбу бунёдга жаҳон ҳам ҳеч муҳкам бўлмасин.

Шодмон бўл дард дилдор ила, эй Ҳофиз мудом,
Бошингга оламнинг ичра бир замон ғам бўлмасин.

* * *

Сўз била ширин тудоқи шакарафшон бўлмасун,
То анинг давринда шаккар нархи арzon бўлмасун.

Жон-и ширинким олур ширин тудоқи ол ила,
Андин ўзга ол бирла жоним олғон бўлмасун.

Ол бирла ол тудоқи ошиқким ўлтурур,
Шаккарин лаълиндин ўзга ҳеч товон бўлмасун.

Бор тесам хурдабинлар қошида йўқ оғзини,
Сўзласун боре бу сўзум бори ёлғон бўлмасун.

Сайд этиб ошиқларин ўлтурса ул сайёд-и шўх,
Боғламасун банд-и фитрокинга то қон бўлмасун.

Жон нисор эттим ўш ул жононға қилмади назар,
Ногаҳон ул нозаниннинг кўнгли қолғон бўлмасун.

Юзи устиндаги зулфиндин чакар жоним азоб
Ганж устинда анингтак мор пиҳон бўлмасун.

Кирмасин ҳар кишининг кўнгли эвинга ул пари,
То жаҳоннинг халқи бир йўли парихон бўлмасун.

Нуқтаға васлин тилаб, Ҳофиз, кезар паргор так,
Андайин саргашта олам ичра бўлғон бўлмасун.

* * *

Кўрмасам меҳр-и жамолин моҳ-и тобон бўлмасун,
Гул юзин кўргузмаса булбулга бўстон бўлмасун.

Айтунг ул жон пораси жононғаким ҳажр ўтина
Мени ўртаб ўзгага шамъ-и шабистон бўлмасун.

Ҳар кечаким жавр ўтиндин жоним ичра бўлса доғ,
Рози эрурман ва лекин доғ-и ҳижрон бўлмасун.

Ошкоро кетса кўздин заррача эрмас жаҳон,
Лекин онинг офтоби нури пинҳон бўлмасун.

Нечаким бўлса кўигуллар олғучи эҳсону ҳусн,
Ҳусн тахтиnda ўш андин ўзга султон бўлмасун.

Ол юзин кўргузмайин ол айламасун ул санам,
То бу ошиқ кўзидин ер юзи ол қон бўлмасун.

Кирмасун кўксин очиб ул нозанин гулзорға,
Ногаҳ гулларнинг иши чок-и гирибон бўлмасун.

Зулфиннинг бир торина минг жон олур эрди вале,
Фикр этар гўёки нарх-и мушк арzon бўлмасун.

Ёд қилма Ҳофиз, ул кофир кўзининг ғамзасин,
То назар сўзинда ҳам торож-и иймон бўлмасун.

* * *

Хар лаҳза мани жавр ила озор қилурсан,
Жон бирла жаҳондин тақи безор қилурсан.

Ман ёрлиқ ичра санга жонни берур эркан,
Сан ўзгага ўзунгни недин ёр қилурсан.

Озор басе бор экан жоним ичинда,
Ман бандани бежурм дил озор қилурсан.

Жавринг тикканин жонима ҳар дам тикарингдин.
Кўз мардумини кўз кўра хунбор қилурсан.

Эй дурр-и гаронмоя, санга толиб эрурман,
Так ўзгани ўзунгга харидор қилурсан.

Ҳасрат ўтина жону жаҳонимни ёқарман,
Номардниким маҳрам-и асрор қилурсан.

Еу Ҳофиз-и дил сўхтаға лутфу ситамни
Недурки басе андаку бисёрг қилурсан.

* * *

Ўзга бирлан ки даме майл-и шароб айларсан,
Ҳасрат ўти била бағримни кабоб айларсан.

Ҳажринг ўти била жонимни ёқиб ҳар соат,
Чашма янглиғ икки кўзимни пуроб айларсан.

Турфа ҳоле эрур, эй жону жаҳон, ҳолимким,
Роҳат-и жонсану жонимга азоб айларсан.

Ноз қилғил тесаман, ноз қилиб қилмассан,
Нега бу ошиқингға нозу итоб айларсан.

Иўқтурур ҳеч хато санда, аё турк-и Хито,
Не тиласанг ани қилғилки савоб айларсан.

Келдинг эрса нафасе кетмагил, эй умр-и азиз,
Умр жуд ўзи кетар, сан не шитоб айларсан.

Хоғиз хаста күнглини йиқиб ҳам ёқдинг,
Қилмайин они иморат не хароб айларсан.

* * *

Боғ-и ҳусн ичида ажаб бир гул-и хандондурсан,
Ол ўш ул онглар ила рашки гулистондурсан.

Тўтий-и жон тиласа қутини сандин не ажаб,
Сучи лаълинг била чунким шаккаристондурсан.

Жон чакиб ман ўладурман, манга бер об-и ҳаёт,
Чун ўш ул оғзинг ила чашма-йи ҳайвондурсан.

Жон тесам айб манга айламагил, эй дилбар,
Не теганим санга чун ошиқ учун жондурсан.

Сарву шамшод басе бор гулистонда vale,
Сан уш онлар аро бир сарв-и хиромондурсан.

Сан қуёшу қаму арбоб-и ҳусн заррамисол,
Қул эрур барча санга, сан шаҳу султондурсан.

Жумла ҳайрон манга бўлди бу замон, эй Хоғиз,
Айтмассан манга ким сан кима ҳайрондурсан.

* * *

Биздин, эй жон, нечага тегру жудойий қилғасан,
Лафз этиб бегоналарга ошнойий қилғасан.

Ушбу қулни кўрган орада кўрунмай жон бикин,
Қўл тутушиб ўзгаларга раҳнамойий қилғасан.

Ўзга бирла ринду қаллошу қаландарваш бўлиб,
Бизга келсанг ҳар замон зуҳду риёйий қилғасан,

Узгаларнинг илгидин бода ичиб, сархуш бўлуб,
Давр бизга келган ора порсойий қилғасан.

Оҳқим, жон бикин, эй жон, сани савдук vale,
Умр янглиғ неча бизга бевафойий қилғасан.

Подшолиғ қилғасан бизим қошимизға келиб,
Узгаларнинг қошина борсанг гадойий қилғасан.

Жон била қулдур тею Ҳофизға гар лутф айласанг,
Оlam-и маънода доим подшойий қилғасан.

* * *

Эй санам, ой юзлу жоним, кўркклуларнинг жонисан,
Бениҳоят ноз қилғилким анга арzonийсан.

Жон олиб жон берур ул кофир қароқчи кўзларинг,
Бу вафоу жавр бирла сан кимунг султонисан.

Гамзанг ўқи тўқди қонимни vale ҳар дам сани,
Кўзларим ол қон оқизиб, издаюрким қонисан.

Кезлаю кўзлай туруб қош ёсина кирпук ўқин,
Отгил ўш эмди маним ёнимға ул ўқ ёни сан.

Тегма бир нодон сўзунга кирма, эй жон пораси,
Жумла-йи олам манга бир ёни сан бир ёнисан.

Эй кўнгил, солма ўзингни ишқ ўтидин йироқ.
Чун муҳаббат ҳукми бирла сан анинг бирёнисан.

Эмдидин сўнг боре, эй жону жаҳон, тенгри учун,
Дўстунгни ўлтурууб кел, бўлма душман ёнисан.

Шамъ-и рухсоринг учун парвона так Ҳофизни кўр,
Ёндурууб ҳижрон ўтинга ёнмади теб ёнисан.

* * *

Бу ноз ила сарв-и равон қанда борурсан,
Жоним тилаги мунис-и жон қанда борурсан.

Оlam ниғорондур санинг ул ҳуснунга, эй жон,
Оlamни солиб хуш ниғарон қанда борурсан.

Кеч келдинг эса кечди умр нури сафосиз,
Үлтур кечага тегру равон қанда борурсан.

Ол қон оқадур эмди фироқингда күзумдин,
Айлаб бу күзум ёшини қон қанда борурсан.

Жон тўтийси қут издаю ул лаъли лабингдин,
Эй сўзи шакар, қандизабон қанда борурсан.

Бу қомату рафтор ила ҳар лаҳза қиёмат
Қилмоқ учун, эй шўх-и замон, қанда борурсан.

Фарёд санинг жавру жафонг илгидин, эй дўст,
Ҳофиз қиласадур оҳу фифон, қанда борурсан.

* * *

Ошиқ-и бечора бирла ёр сан,
Ёр экан ҳам нозанин дилдорсан,

Зорлиғ қилсам манга айб этмаким,
Булбул-и ошуфтага гулзорсан.

Олдадинг, олдинг кўигулнинг нақдини,
Турфа жонсан булажаб таррорсан.

Кўз дошиндин ошғил, эй сарв-и равон,
Ким кўрарман асли хушрафторсан.

Ошиқ-и девонадин қочқан аро,
Гўйиёким оҳу-йи тоторсан.

Ул рақиб муддаийдин азрилиб
Бир йўли келсанг, гул-и бехорсан,

Ёрлиқ қил андайин Ҳофизғаким,
Борча билсунлар анга ким ёрсан.

* * *

Фироқингда чакарман жону bemoringни сўрмассан,
Этурман сийна мажруҳу дилафкорингни сўрмассан.

Бу дам бозор-и ишқингда манинг так зор чаккан
йўқ,
Вале сан ҳуснунга мағруру бозорингни сўрмассан.
Эшигингда туну кун зору афгон чакадурман,
Не ёндин эшитиб розимни бу зорингни сўрмассан.
Адоқинг тупроқиға нақд-и жон бермак тиларман
лек,
Тиларсан ўзгаларнию, харидорингни сўрмассан.

Бошимға оқибат етгай адоқинг тею хок ўлдум,
Азизимсан бу хок-и раҳтак хорингни сўрмассан.
Мани сан соҳиб асрор айладинг дардинг била, илло
Бу мушкил дарддурким соҳибасорорингни сўрмассан.

Агарчи ёрлиқда жонни ўйнадим бу Ҳофиз так,
Вале не қилмаға бўлурки сан ёрингни сўрмассан.

* * *

Гулзор-и жоннинг равнақи, эй сарвинозим,
қандасан,
Булбул сифат нолон этурман шоҳбозим қандасан.

Ендим басе ҳасрат била ҳижроннинг ўти ичра ман,
Ёқғон мани сармоя-йи сўзу гудозим қандасан.

Қолдим дебон боз эмди ман ҳасрат мақоминға етиб,
Лутфу инояллар қилған, эй чашм-и бозим, қандасан.

Ман бедилу бедин бўлиб қолдим муҳаббат йўлида,
Ошиқ-и жигархун айлаган, эй дилнавозим, қандасан.

Айшу умидимнинг гули пажмурда бўлди бир йўли,
Фасли хазонларни баҳор эткучи ёзим қандасан.

Жоним бадандин чиққали сансиз тилайдур дам
бадам,

Холимға раҳм айлагучи умр-и дарозим қандасан.

Маъною сурат ичра чун сансан будам Маҳмуд-и
вақт,
Тесанг не бўлғай раҳм этиб Ҳофиз Аёзим қандасан.

* * *

Ишқ ила то ошно ҳамхонаман,
Ўз ўзимдин бир йўли бегонаман.

Эмдидан сўнг сиз манга оқил деманг,
Чун шароб-и ишқдин девонаман.

Ул қаро кофир кўзининг сўзларин
Айтайим ошиқлара мастонаман.

Ул пари юзлуға кор эткай тею,
Ўқидим афсун била афсонаман.

Ганж-и ишқини топа билмак учун
Манзилимни айладим вайронаман.

Ёнмағайман ҳар неча ёнсам тақи,
Шамъи так юзунга чун парвонаман.

То гидо-йи ишқ бўлдум жон била,
Шоҳ-и оламни бу сонға сонаман.

Чун кўнгулда айлади ул бут қарор,
Ошкор айлаганим бутхонаман.

Ҳофиз-и қаллош так масжид солиб,
Тутқаман майхонада паймона ман.

* * *

Эй юзунгга жон била то бандаман,
Меҳр-и равшандил бикин тобандаман.

Кўргали юзунг гулистоинин кўзум
Завқ бирла бикин пурхандаман.

Гулни ўхшатғали ол энгларингга,
Бу жиҳаттин лола так шармандаман.

Пойбўсунг даст бергали мангага,
Топдим, эй жон, давлат-и пояндаман.

Жонни бердим бир йўли йўлингда лек,
Ишқинг ила то қиёмат зиндаман.

Ман санга жон бирла ошиқман вале,
Сан нигоро қандасан, ман қандаман.

Сан шаҳоншоҳ-и замонсан ҳусн ила,
Ҳофиз-и бечора так ман бандаман.

* * *

Кўрсам эрди бир дам ул ҳур-и паришонимни ман,
Айтғай эрдим зулфи так ҳол-и паришонимни ман.

Зулфи янглиғ тийра аҳволу паришон рўзғор,
Бўлмас эрдим кўрсам ул хуршид-и тобонимни ман.

Дард бирла жону дил мажруху дармон ёр эзур,
Топмадим бу дард учун оламда дармонимни ман.

Ул гул-и сероб шавқинда очилған лола так,
Оҳ этиб кўргузгаман чок-и гирибонимни ман

Обру бўлмас манга ҳосил ўш ул жононадин,
Кўрмагунча сойил эшигинда ол қонимни ман.

Оқмағай эрди кўзум ёши равон Жайхун бикин,
Топсам эрди хаста кўнглум мулкин оқгонимни ман.

Кўзларимдин ер юзунга бормагай ёқут-и ноб,
Бир сўра билсан ўш ул лаъл-и дурафшонимни ман.

Зулфининг занжирина девона кўнглум боғланур,
Чун кўрарман қуфр ичинда нур-и иймонимни ман.

Қайда ул дилбарни кўрса Ҳофиз ўзиндин борур,
Оҳ ғоғил кўрмадим ҳеч ушбу нодонимни ман.

* * *

Ернинг фикри била пайвастаман ҳамхонаман,
Уз ўзумга оқилу ўзгалара девонаман.

Уз ўзумга илиниб парвоз айлай билмадим,
Оҳким ман дом-и жон әрурману ҳам донаман.

Ошно-и дўст шаксиз бўлғай эрдим уш бу дам,
Бўлсан эрди ўз ўзимдин бир йўли бегонаман.

Жон чака турмоқ фироқи ичра ошиқ издамас,
Ушбу жон дарди била етишдим эмди жона ман.

Оҳнинг тиги била кўксумни қилдим шоҳ-шоҳ,
То бўла билсан паришон зулфи учун шона ман.

Сўфий-и софийни издаб топғаман тею мудом
Ул харобот ичра тутдум соғару паймона ман.

Гоҳи масжид даврида Ҳофизману меҳробхон,
Гоҳ майхона ичинда ошиқ-и фарзонаман.

* * *

Жонон хаёли кетмади бу жон-и ғамфарсуддин,
Савдо-йи ишқинда зиён чун яхши кўрунур суддин.

Ҳар кимга кўргуздум вафо, чакдим жафосин
оқибат,
Хумнуд ҳаргиз бўлмадим бу баҳт-и ноҳушнуддин.

Кўрди кўзи ҳолимнию қилмади ҳолимга назар,
Раҳме қачон бўлғай манга ул тарк-и хашм олуддин.

Мақсад манга эшигию мақсуд-и жон жонон эрур,
Ҳосил тилак дийдордур бу мақсаду мақсуддин.

Зулфи била юзин онинг шому саҳар айлаб шафиъ,
Доим тиларман кўргали дийдорини маъбуддин.

Баским чиқадир дам-бадам оҳим ўти бирла тутун,
Ул ой юзинда асар бўлғуси пайдо дуддин.

Ҳофиз қиладур дард ила афғон муҳаббат йўлида,
Чун дард ила афғон эрур хуш нағма-йи Довуддин.

* * *

Қўл берди иноят била эмди манга жонон,
Гўё ўзина чакди қулин лутф ила султон.

Раҳм айлади ҳолимгаю кўз ёшим оқитди,
Андоғки тушар гулнинг уза қатра-йи борон.

Андоғ хушоянда кўзум қошидин ошди
Ким, гулшан-и жонда юруса сарв-и хиромон,

Ул ҳолда олам манга зиндон эди, илло
Зинденни инояты била қилди гулистон.

Күргузди юзу айлади ҳолимни равон жамъ,
Гарчи қаро зулфи так эдим ҳоли паришон.

Лойиқ ўш анга пешкашим йўқдуру жон бор,
Жонимни қабул айласа ўшда чакайим жон.

Ҳофизга наво тегмаса Хоразмда, андин
Қилғай эди оҳанг-и Ҳижоз ила Сипаҳон.

* * *

Бу хастани тақи дилдор ёд қилмасму,
Шикаста кўнглини бир лаҳза шод қилмасму.

Не эҳтиёж мани жавр бирла ўлтурмак,
Фироқина бу қадр эътимод қилмасму.

Кўзум ҳамеша тилар жон била савод-и хаттин,
Ўш ул кўзи қаро дилбар савод қилмасму,

Икки кўзум ёши ўш эмди қонға бўлди бадал,
Муҳаббатингга хануз эътиқод қилмасму.

Жафо қилур манга дилдор ошиқимдур теб,
Вале жафосин муҳаббати зиёд қилмасму.

Мурод бўлғали дилдор номуродиман,
Бу номуродлиқ асл-и мурод қилмасму.

Асир Ҳофиз-и бечора бўлди зулминдин,
Айтсангиз не бўлур адлу дод қилмасму.

* * *

Шаккарин лаъл-и лабин дойим қилур жон орзу,
Не тариқа тўтий қилса шаккаристон орзу.

Жон чиқибтуур таңы күнглум лабин сүрмоң тилар,
Ори жон берганлар айлар об-и ҳайвон орзу.

Ишкөй йўлинда агар ман хок бўлсам не ажаб,
Хок бўлди ушбу йўлда чун фаровон орзу.

Бу масал машҳур эрурким орзуға айб йўқ,
Дойим ул ёндин қилурман васл-и жонон орзу.

Айб қилманг ҳажрда васлин тилар бўлсам мудом,
Мубтало-йи дард бўлған қилди дармон орзу.

Дарди ҳижронни чакадурман басе мушкил эрур,
Қилмангиз, эй дўстлар, сиз дард-и ҳижрон орзу.

Не ажаб Ҳофиз тилар бўлса юзини кўргали,
Чун қилур жон бирла булбуллар гулистан орзу.

* * *

То кўнгулни гул юзи боғ айлади,
Жон қўшиға зулфини боғ айлади.

Овлағали ошиқининг кўнглини,
Дона холу зулфини оғ айлади.

Хол-и мушкин гул юзинда кўргузуб,
Ул биҳишти маскан-и зоғ айлади.

Яхши юзунга ёмонлар кўз тикиб,
Хаста жонимға басе доғ айлади.

Кўз йўлиндин кўнглума кирди ҳабиб
Гўйиёқим азми қишлоғ айлади.

Қайди қилсин раҳм ошиқларина
Кўнглини дилдор чун тоғ айлади.

Ергасиз ерга тўкуб Ҳофиз қонин,
Ишва-йи ширин била лоғ айлади.

* * *

Жаврдин ўзга бу хаста жонға дилдор этмади,
Солди күзимдин йироқу ўзина ёр этмади.

Тор оғзи бузди күнглумнию инкор айлади,
Нечаким сўрдим ўш андин зарра иқрор этмади.

Манму ялғуз бўлдим онинг банди зулфингға асир,
Қони бир жониким, они ул гирифтор этмади.

Боғу гулзор издамадим юзини кўргаликим,
Юзи қилған ишни ҳаргиз боғу гулзор этмади.

Савмаа ичраки зоҳид дайр завқин не билур,
Зулфи занжиридин онинг чунки зуннор этмади.

Жилва-йи ноз айлаганда ўзгаларнинг ҳаққина
Не жафоларким маним ҳаққимға дилдор этмади.

Гарчи қилди ўзгаларни ихтиёр ул нозанин,
Ихтиёр ўзгани бу Ҳофиз вафодор этмади.

* * *

Ишқнинг сиррини зоҳир тили тақрир этмади,
Зарра чун хуршиднинг ҳолини таъбир этмади.


Ишқнинг таъсиридин ҳар жонда бордур ҳолате,
Қани бир жонким, анга бу ишқ таъсир этмади.

Ишқ йўлинға кишиким босди сидқ ила қадам,
Жон ила бош ўйнадни макру тазвир этмади.

Ишқдин келди маним жонимға юз турлу бало,
Ишқ ошиқларға бу таврини тагийир этмади.

Ишқ әрурким, жумла жонлар бўйнуна занжир әрур,
Ишқ так олам яратқан ҳеч занжир этмади.





Ишқ оламнинг ичинда ҳоким-и мутлақ эрур,
Ишқ қилған ишни чун ўзгаси таңдир этмади.

Ишқ бирла бўлди эрса пир Ҳофиз не ажаб,
Қани оламда жавонким, ишқ ани пир этмади.

* * *

Оламнинг ичра ҳолима маҳрам кўрунмади,
Бир жон тақи бу хастаға ҳамдам кўрунмади.

Мушкилки шодмон бўла билсам бу дунёда,
Халқ-и замон чу хурраму беғам кўрунмади.

Бўлди шикаста хаста кўнгул пора-пора, лек
Бу реш-и дилга дорую марҳам кўрунмади.

Ким савди ул жафочи, балоли нигорни,
Ким зулфи так шикастаю дарҳам кўрунмади.

Ул шаҳ фироқ сўзиниким сўзлади манга,
Ул ҳол ичинда кўзума олам кўрунмади.

Бўлмай фано-йи ишқ бу йўл ичра жон била,
Мулк-и бақо кишига мусаллам кўрунмади.

Олди кўнгулни Ҳофизи бечорадин вале,
Ул жон-и парисифат анга бир дам кўрунмади.

* * *

Бог ичида қадинг бикин сарв-и равон топилмади,
Хусн танинда сан такин жони равон топилмади.

Танг шакар басе казиб олам ичинда юруди,
Ҳеч анга санинг бикин танг даҳон топилмади.

Нечаким издади миённингни хаёл жаҳд этиб,
Банд-и камар топилдию ҳеч миён топилмади.

Сон не ажаб турур манга бўлмадиса қошингдаким,
Мехр-и мунир қошинда заррага сон топилмади.

Ғамзанг ўқики фитнадур жонима сан қадабсан,
Оlam ичинда сан такин фитнафишон топилмади.

Айтсаман юзунга теб роз кўнгулда бор эди,
Кўрди эса юзунгни кўз холу забон топилмади.

Кофир ўш ул қаро кўзунг давридаким қароқчидур,
Ҳофиз-и дилшикастага ҳеч амон топилмади.

* * *

Манга жонон лабиндин жон етишди,
Дил-и пурдард учун дармон етишди.

Шикаста баста кўнглум хаста эрди,
Иложин қилғали Луқмон етишди.

Чу Яъқуб ҳазин бўлған ародা,
Малак так Юсуф-и Канъон етишди.

Қолибдур эрди кўнглум тийралиқда,
Ки ногаҳон маҳ-и тобон етишди.

Кўнгулда хор-и ғам ўрнабдур эрди,
Ки лутф айлаб гул-и хандон етишди.

Рақиб-и муддан қошинда зоҳир
Етишмади, vale пинҳон етишди.

Қамар қуллуқ қилурға боғла Ҳофиз,
Чу ҳолингни сўра султон етишди.

* * *

Ғамза била кўнглумни ул кўзлари фаттон алдади,
Жоду-йи пурфандур ўш ул мўъминдин иймон

алдади.

Зулфинга күнгүл олдирғаним турға эмасдур
чунким ул,
Ошифта зулфи ман такинларни фаровон алдади.

Нетиб анинг лаъли лабинга жонни бермай турайим,
Юз олу шева бирла чун лаъл-и лаби жон алдади.

Алданмағай жоним маним дунё матосини кўриб,
Чун лутф бирла ҳар нафас жонимни жонон алдади.

Гиря қила борсам ажаб эрмас юзини кўргали,
Парвона-йи жонсўзини чун шамъ-и хандон алдади.

Олдумас эрди кўнглини булбул гулистонға, vale
Булбул кўнгулини ол ила ҳусн-и гулистон алдади.

Девон-и шеъримни кўриб жонон кўнгул берди манга
Хофиз ажабтурким парини уш бу девон алдади.

* * *

Дариғо дард-и ёр ичра манга ёре керак эрди,
Фам ичра мубтало бўлғанға ғамхоре керак эрди.

Бу мунчаким мани озор айлар жавр ила жонон,
Анинг жонинда ҳам бир зарра озоре керак эрди.

Кечаю кундузин зорий чу булбул-и зор айларман,
Бу зорелиғга кўра қаршу гулзоре керак эрди.

Анинг сиррин асралим валекин билмади ҳаргиз,
Бу сирримни билурға соҳибас-роре керак эрди.

Тамом-и умрниким ишқ савдосинда кечурдим,
Бу нақд-и умр учун боре харидоре керак эрди.

Ҳаво-йи зулфи бирлаким паришон бўлдиму Мажнун,
Анинг бир торидин белимда зунноре керак эрди.

Қулиман тею бор издайким эшигиңда ман Ҳофиз,
Манга боре бу султон қошида боре керак әрди.

* * *

Қани ўш ул ки күнгүл ишқ бирла хуррам әди,
Сафоу завқ билә дүст бизга маҳрам әди.

Қани ўш ул ки меҳнат диёрида доим,
Бино-йи ахду вафо устивору муҳкам әди.

Қани ўш ул ки насим-и висол гулшанидин,
Ҳаво-йи айш чу фасл-и баҳор хуррам әди.

Қани ўш ул ки хасуд уш бу жамъ ҳолимдин,
Чу зулғи ёр паришонлиқ ичра дарҳам әди.

Қани ўш улки дам васлда мудом манга,
Шароб-и айшу сафо жом ила дамодам әди.

Қани ўш ул ки бу Ҳофизға завқ әди бисёр,
Тақи жафову алам бирла дарду ғам кам әди.

* * *

Жигарпора қиласында ёр дарди,
Ұш ул ағёр-и ширинкор дарди.

Күзүн күргали дардимдур зиёда,
Мани хаста қилур бемор дарди.

Күзүмга оз күрнімаклигидин,
Күнгүлда бордур бисёр дарди.

Шикоят гулдин айламади булбул,
Вале күйдурди жонин хор дарди.

Мани аспар доим дарди ондин,
Бўлубдур воқиф-и асрор дарди.

Нечаким хок бўлуб йўқ бўлсам,
Ўш ул хокимнинг ичра бор дарди.

Дарахт-и қоматин кўргали Ҳофиз,
Қилибдур мани бархурдор дарди.

* * *

Кади сарви уза зулфи каманде,
Чу солди, бўлди жонға пойбанде.

Етишмас хок-и посига аниг сарв,
Агарчи чакди бас қадди баланде.

Юзи устиндаги ул дона-йн хол,
Ёнар ут узра эрур чун сипанде.

Шакар гуфтторлар бордур ва лекин,
Анигтак йўқтуур бир нўшханде.

Сузию кузию ширин тудоки,
Эрур шакар тақи бодому қанде.

Фариб эрмас писанд этмаса мени,
Чун андог йўқ жаҳонда худписанде.

Эшигинда бу Ҳофизтак кўринмас,
Гарибе хаста мискин дардманде.

* * *

Жигарим йиғлади қон ёр учун, ёр қани,
Сирр-и ҳолимни билур маҳрам-и асрор қани?!

Журъа-йи жоми муҳаббат била бўлдум бехуш,
Мани маст айлаган ул бода-йи хаммор қани?!

Хор-и ҳижрон била озурда эрур бу дил-и реш,
Булбул-и зорға васл-и ғулзу гулзор қани?!

Жигарим нофа сиғат ҳажр ўтидин хун бўлди,
Чашмалар казгучи ул оҳу-йи тотор қани?!

Кечиур издаю дийдорини бедор кўзум,
Вале бедор кўза давлат-и дийдор қани?

Зорий-и зор ила бозор-и муҳаббатга келиб,
Жон тилар дўстни, ул ҳосил-и бозор қани?!

Дам урур кўп кишилар меҳру вафодин, Ҳофиз,
Вале сан издаган ул ёр-и вафодор қани?!

* * *

Сантакин оламда хуш жонон қани,
Барча жононлар аро бир жон қани?!

Мулк-и жон ичра санингтак нозанин,
Салтанатга лойиқ эй султон қани?!

Васлинг эрди дойимо дармон манга,
Ҳажрдин ўлдум ўш ул дармон қани?!

Лолатак юзунг кўзумдин ранг олур,
Шукрким зоеъ эмас афгон қани?!

Фунчатак ул тор оғизға мунграган
Гулистон ичра гул-и хандон қани?!

Интаринг давринда юз минг фитна бор,
Рингтак фитна-йи даврон қани?!

Тутти бирла ёнғанлар аро,
Ҳофиз бикин бирён қани?!

* * *

Сантакин тончилиги тон жаҳонда қани,
Мантакин жончилиги жаҳонда қани?!

Сан бор эркан висол хонинда,
Ұзға бир меҳмон жаҳонда қани?!

Жигари дарди ишқинг илгиндин,
Қаро қон бўлмаған жаҳонда қани?!

Гарчи яхшилиқ ичра сантак йўқ,
Мантакиң ҳам ёмон жаҳонда қани?!

Негаким боқсам асли сандурсан,
Бу яқинда гумон жаҳонда қани?!

Сан эрурсан жаҳон танинда жон,
Тан кўриндию жон жаҳонда қани?!

Жумла ошиқлар аро жондурсан,
Сансизин ошиқон жаҳонда қани?!

Дўстлар сўзи достон бўлди,
Дўстсиз достон жаҳонда қани?!

Остонинг бикин бу Ҳофизга,
Боғу ҳам бўстон жаҳонда қани?!

* * *

Ваҳким кўрабилмасман ўш ул кўнглум олонни,
Жоним тилаки, кўз ёруқи, қавли ёлонни.

Хок-и қадами бўлғай эдим бир кўрабилсам,
Гаҳ-гоҳ назар ошиқ-и мискинга солонни.

Кирпукларим ўш кўзима чун хор кўрунур,
Ед айласам ул гул бики тоза очилонни.

Ҳижрон қошида доғ-и жафо мушкил эмасдур,
Жавр айласуну қилмасин ул доғ-и калонни.

Султоним ила бирга сувора бўлабилсам,
Кўргузгай эдим саҳи-и жаҳонда бу жавлонни.

Жон бер тею гар қылса ясоқ ул бут-и чолок,
Жон бирла равон чаккаман ул дамда қолонни.

Ул сарв-и равон қолди эса қолди күнгүлүм,
Ким келтурабилгай ерина күнгли қолонни.

Чалмасун олиб элга равон чалди ўш ул шүх,
Күрмади киши ҳеч пари чалма чалонни.

Хофиз тилидин еткуракүр хизмату ихлос,
Эй боди сабо, күрсанг ўш ул ибн фалонни.

* * *

Келиб келтургил, эй соқий, бу мажлисга сафоларни,
Муродинға етургил сан равон эмди гадоларни.

Шароб-и ноб ичканда мангы бир сор қўйтунг бериб,
Ўш андин сўнгра кўргил сан жаҳон ичра сахоларни.

Ҳусн шатранжини ўйнай не мансуба била билман,
Казиб шахмот қилдинг сан жаҳонда маҳлиқоларни.

Вафо билмасмусан билман аё жон чораси ҳар дам,
Ким ўш асеру қиласадур манг турлу жафоларни.

Санинг хурмо-йи васлингдин тикандин ўзга тегмади,
Жафоға ўгранибдурман, қил ўзгага вафоларни.

Санга исломдин сўзламакка бўлмасдур, андинким
Қароқчи кўзларинг ғорат қиласадур порсоларни.

Бу дам ул турк-и кофиркеш учун қурбон бўлур
Ишорат бирлаким чакти боқиб манглайдада ёларни. Хофиз,

* * *

Ногаҳон кўрдум эшигинда ўш ул жононани,
Ул қароқчари қароқчи, Гамзаси мастанани.

Жон чакарман ҳажр илгиндин тесам, айтур манга
Ишқ йўлиндин кетаргил бу тариқ афсонани.

Ул пари юзлу санамдин юз авурмак лек маҳол,
Ўлтуур бўлса манингтак ошиқ-и девонани.

Шамъи мажлис бўлуб ул жону жаҳон ўзга била,
Ёндуур бўлса не ёнсун халқ оро парвонани.

Соя қилмоқлиқ учун хуршид-и тобонга кўрунг,
Зулфи бирла бир замон ҳамсоя қилди шонани.

Жон баданга келганитак келиб, эй султон-и ҳусн,
Бир мунавар қил жамолинг бирла бу кошонани,

Ҳофиз-и мискинким, эрур ошноу қул санга,
Ўлтууруб эй шоҳ, ўш они, сақлама бегонани.

* * *

Кўргали кўзум лаб-и лаълинида хатт-и ёшни,
Сабз бўлсун доимо теб оқтурадур ёшни.

Қошлири нақшини ёзмоқлик тилаб наққош-и Чин,
Юзина боқдию кўрди нақл ила наққошни.

Эй халойиқ, сиз тилангиз неки, бордур дунёда,
Мен тиларман жоним ила ул қаро кўз, қошни.

Тош чиқмағай бошим формони хаттиндин даме,
Ёғдуур бўлса рақиблар бошим учун тошни.

Эшигинда кирпуким бирла кўзумнинг мардуми,
Айлади шарманда бас саққову ҳам фаррошни.

Ман анга йўлдош бўлғайман тею келдим равон,
Жавр айлаб солмасун чўл йўлда ул йўлдошни.

Гарчи Ҳофиз бўлди йўлингда бу дам қаллошу
ринд,
Не бўла шоҳим кўза ил ринду ҳам қаллошни.

* * *

Гар тилар бўлса ўш ул дилдор-и айёр ўзгани,
Ман тиламан ул бор эркан ўзима ёр ўзгани.

Тор-тор зулфина ман ошиқ-и жонбоз экан,
Не жиҳатдин ўзина дилдор тортар ўзгани.

Ман анинг асрорини жон ичра йиллар сақладим,
Ул парипайкар санам не ёндин асрар ўзгани.

Лутфи йўлиндин қачон озор бўлса ул санам,
Ман бор эркан жавр бирла айлар озор ўзгани.

Орзу-йи лаълидин жон бирлаким bemorman,
Жон берурман рашкдин гар қилса bemor ўзгани.

Жон чакадурман вафонинг йўлида бефойнда,
Чун қилибдур маҳрам ўз ўзинга дилдор ўзгани.

Банда-йи дирина эшигинда Ҳофиздур, vale
Турфа ҳоледур буким, шоҳим суюргар ўзгани.

* * *

Ҳажр ўтига ўртади ул лоларухсорим мани,
Булбул-и ошуфта янглиғ қилди гулзорим мани.

Завқ этиб жавру жафосин жон била чаккай эдим,
Ёд қилса гоҳи гаҳ ёр-и жафокорим мани.

Кечмагим жондин бас осондур, vale ондин кўчай,
Мубтало асири қилибдур ушбу душворим мани.

Эл тўдасиндин чу бошқа иёла-йи зор айларам,
Бошға этиб ўлтураси нолаву зорим мани.

Нор-и хандонтак кўрунгали ўш онинг гул юзи.
Ўтга ўртар ҳар нафас бу жон-и афгорим мани.

Ел бикин елиб югуурман ўш ул мандин дагул,
Тозилартак елдуур оху-йи тоторим мани.

Хофизо ичкай эдим бу жом-и жондин бодалар,
Бир нафас сўрса эди ул лаъл-и хумморим мани.

* * *

Ниёз айлаб айтғай эрдим ушбу ҳол-и зоримни,
Эшилса эрди ул жонон маним афгону зоримни.

Бошимни гўйитақ ғалтон адоқинға солур эрдим,
Кўра билсам бу майдон зебо шаҳсуворимни.

Канор-и дўстни топғанда қилгайман нисори деп,
Кўзум гавҳар била доим тутар тўлу каноримни.

Анинг савдо-йи зулфунга кўнглум то тушубдуур,
Паришонҳол айлабдур маним бу рўзгоримни.

Кўнглумдин маним сиз ихтиёр издамангиз эмди,
Чу ман дилдорнинг илгинга бердим ихтиёrimни.

Ўш онинг доман-и васлинға ул дам ичра еткайман,
Қачонким элтса бод-и сабо гурду ғуборимни.

Мани куйдурди ҳижрон ўти бирла, Хофизо, дилбар,
Магар билмас паришонҳол бирла интизоримни.

* * *

Кўргузди эрса ул санам бурқа олиб юз олини,
Кўз кўра кўрди ошиқ бечораси юз олини,

Ҳиндустоннинг ичра гар филфилга сон йўқ не ажаб,
Андоқки кўргузди манга хат ичра нуқта-йи холини.

Фол-и саодат бирла ҳам давлатға зулфи дол эрур,
Ким тушида кўргузди манга айн узра зулф-и
долини.

Бол лаби ширинлигин маълумким қилди магас,
Кечти равон жондин тақи бол узра солди болини.

Шамшод бирла сарвга кўзум ёзиб ҳам боқмадим,
То жўйбор-и дийдада тикдим қадининг толини.

Дуртак кўзумнинг ёшини исор-и жонон айладим,
Жонин аямаған киши қайда аясун молини.

Пўшида қайда қолғуси Ҳофизнинг аҳволи анга,
Чу шеър бирла дамбадам айлади шарҳ ҳолини.

* * *

Жаҳонда барчадин дилдор яхши,
Туман ағёрдин бир ёр яхши.

Рақиб анииг қошинда яхши бўлмас,
Чу гул қошинда бўлмас хор яхши.

Ҳамиша хастадур дарди била жон,
Бўла билмади бу бемор яхши.

Тиларман доимо бедор аниким,
Саодат доимо бедор яхши.

Каракмасдур манга кунж-и савомий,
Чун андин хона-йи хаммор яхши.

Қаро зулфи била кўзи хуш эрур,
Чу таррор иладур айёр яхши.

Кўзи Ҳофиз кўзига хуш кўринур,
Чун эрур барча мардумдор яхши.

* * *

Ақл-и кул занжири зулфунгнинг эрур девсанаси,
Жумла жонлар қуши ҳам шамъ-и юзунг парвонаси.

Лаъл-и серобинг тилаб ер юзина борди равон,
Юзум олтунун кўра турғач кўзум дурдонаси.

Сучи лаълингни кўруб сўзласа ман айб этмаким,
Хуш келур Ширин била Фарҳоднинг афсонаси.

Хайл-и мужгонинг аро ул ғамза ўқи жон олур,
Орий иш биткурди сафда лакшари мардонаси.

Ишқ-и нориндин кишининг кўнглидаким бўлса нур,
Ёнмайин маҳшарга тегру жони онинг ёнаси.

Кунж-и кўнглимда хаёлинг бору ўзга йўқ турур,
Ганждин доим тўлуғдир бу кўнгул вайронаси.

Тушкали холинг хаёли ушбу Ҳофиз кўнглина
Ўзгалардин холийдур доим анинг бухтонаси.

* * *

Солди ёнар ўтга яна жонимни жонон қайғуси,
Мандин бўлиб бир ён қилур бағримни бирён
қайғуси.

Раҳм этмайин жоним олур кофур кўзи ғамза била,
Ҳеч кофира тўш бўлмасун мискин мусулмон
қайғуси.

Бермасман ул жононанинг қайғусини дунёга ман
Ганж-и ниҳонимдур маним жонимда ул жон
қайғуси.

Айтунг жафо қилсун манга ул жон тилагиким турур,
Ранжимга роҳат меҳнати дардимга дармон қайғуси.

Бахшойишин кўргил аниңг мантак гадоға раҳм этиб,
Мулк-и фароготе берур ҳар дамда султон қайғуси.

Кучай эрур жону жаҳон бирла емак қайғусини,
Жону жаҳондин кечса ман бўлғайму осон қайғуси.

Ҳофизсан эмди жон чакиб васлин тилаюрман вале,
Кўпларни бежон айлади ул об-и ҳайрон қайғуси.

* * *

Ой бирла қуёш юзунгга то банда бўласи,
Оламнинг уза равшану тобанда бўласи.

Ул ой юзунг меҳридин, эй ойина-йи жон,
Не сўзласа ман борча хўшоянда бўласи.

Қадингни чаман ичра хиромон кўрар эрса,
Озод экан сарв-и равон банда бўласи.

Гул лофт-и жамол этти юзунг қошинда лекин,
Хижлат била бўстонда сарафканда бўласи.

Ғунча оғзинга тақи гул юзунга ўхшар,
Теган киши бу сўз била шарманда бўласи.

Ўхшар май-и ноб лаб-и лаълинга тесам,
Бу сўзга лаб-и лаълинг иши ханда бўласи.

Ком издаю қон бўлди юрак лаъл-и лабингдин,
Лекин анга рўзий бу шакар қандада бўласи.

Сўрган кишилар об-и ҳаёт лабингиздин
Оlam ичинда Хизр сифат зинда бўласи.

Гар пойи шарифингни ўпа билса бу Ҳофиз,
Давлат била иззат анга поянда бўласи.

* * *

Соқий, манга қелтургил ул жомдин шаробе
Ким, тобидин кўринса мажлисда офтобе.

Бергил шароб-и софийким, ташналаб бўлубман,
Жон ҳалқға етибдур, қолмай жигарда обе.

Гар сан харобларнинг холинға раҳм қилсанг,
Оламнинг ичра йўқтур ман зортак харобе.

Асрук чу майл айлар доим кабобға теб,
Кофири кўзунгни кўриб, қилдим жигар кабобе.

Уёғда сани кўрмак чун бўлмади мұяссар,
Уйқуда кўргай эрдим бўлса кўзумда хобе.

Қилдим савол бўлса ул жон бикин лабингдин,
Не бўлғай эй суманбар берсанг манга жавобе.

Умр-и азиз, Ҳофиз, гар бўлмасанг, не ёндин
Кетмак учун қилурсан ҳар соате шитобе.

* * *

Ул турк шўхким кўзидур жонлар офати,
Кўрклу юзунга ўхшамади гул латофати.

Ҳуру парини ўхшата билмас киши анга,
Чун кечди борисиндин ўш онинг назофаги.

Гар офтоб-и ҳусни аниг қилмаса тулуъ,
Машхур бўлмағай эди одам хилофати.

Эрур мурод муҳраси аниг элиндаким,
Жон ўйнағандা бўлмаса зарра маҳофати.

Ошиқ била тенг айлама зоҳидни дамбадам,
Чун шер бирла бўлмади рубаҳ ҳирофати.

Бўлсам халос тею сафар қилсам ихтиёр,
Айлар зиёда ишқни буъд-и масофати.

Ҳофиз қулум эрур теб айтмиш ушбу санам,
Султон қилур қулини шаҳаншоҳ изофати.

* * *

Мани девона қилған одаммидур ёхуд парий,
Ким, анинг ҳуснинг маҳу меҳр эрур муштарий.

Не ажаб уйқумни боғласа қаро жоду кўзи,
Чун қилур кўз учиндин боқғанда сеҳр соҳире.

Форат-и дин қилмоқ ичра ул бут-и бадкеш-и шўх
Кўргузур ғамза қила ҳар лаҳза айни кофирий,

Чиқиб эшигидин хиромон бўстонда юруса,
Бўлғай ул юрумагиндин мунфайл кабк-и дарий

Қиймати лаъл-и лабини ошиқидин сўрунгиз,
Қадр-и жавҳарни билур бозорда чун жавҳарий

Ман текин темас киши ширин лабининг васфини,
Чун мусаллам бўлди оламда манга жонпарваре.

Тенг бўла билмас эди Ҳофиз била Хоразмда,
Туркий айта тирилур бўлса бу дамда Санжарий.

* * *

Санингтак ҳусн бўстонинда йўқтур лоларухсоре,
Манингтак ишқинг ичра ҳам кўрунмас бир

гирифтore.

Юзуинг узра *кўзуинг яиглир кўруимади* манга ҳаргиз,
Гулистоннинг аро ҳоб айлаган оҳу-йи тоторе.

Уш ул ғамза ўқи қилғали кўнглумда басе озор,
Нечаким боқдим андоқ кўрмадим ҳаргиз дилозоре.

Кўзунг давринда лаълингга қачон етсун

Етишмади муродинга ўш андин ҳеч bemore.
кўнглумким,

Қаро жоду күзунг уйқумни ҳажри бирла боғлабдур,
Манингтак бўлмасум оламнинг ичра ҳеч бедоре.

Ҳаво-йи ишқинг ила зарра сон учмоқ тилар
кўнглум.

Жамолинг меҳри бирла қил они, эй жон, сабукборе.

Висолинг давлатин рўзи қил, эй султони динпарвар,
Бу Ҳофизтак чу йўқтурур висолингға талабгоре.

* * *

Жон самъина етишса дилдордин каломе,
Бу хаста дилга бўлғай оламда нек номе.

Доруссалом бўлуб дўзах бикин бу кўнглум,
Ул сарв-и хушхиромим қилса манга саломе.

Гар хок-и остони ишқ ичра бўла билсам,
Оламда топғай эрдим хуш манзилу мақоме.

Ул меҳр-и оламафрўз, ман зарраи ҳақири,
Ул шоҳу шоҳизода ман камтарин ғуломе.

Қилғай тафарруҳ учун шаҳбоз-и қудс парвоз,
Гар айласа бу ёнға чу кабк-и хушхироме.

Хуршид олам ичра равshan қачон бўлур даме,
Ҳусну жамолидин гар қилмаса нур воме.

Шерозий туркларга элтиниг бу шеърниким,
Сурдум бу тавр узра Ҳофиз бикин каломе.

* * *

Етургил, эй сабо, мандин паёне,
Тақи жононга айғил хуш каломе.

Ким ул ошиқ фироқ ўтиға қуюб,
Алифтак рост қади бўлди ломе.

Каманди зулфу юзунг ҳасратинда
Кечуур зорий бирла субҳу шоми.

Етибтуур ўларга фурқатингдин,
Висолингдин ийда бергил паёме.

Висолинг бирла қўнгулни шод қилсанг,
Қолур сандин жаҳонда азгу номе.

Аё шоҳи замон ҳуснунг ҳаққинда
Не бўлғай шод бўлса бир ғуломе.

Бирарда Ҳофиз-и мискинни хуш кўр,
Ким ушбу умрга йўқдур давоме.

* * *

Қора зулфи шабу юзи чу моҳе,
Мунингтак қайда бордур солу моҳе.

Юзинда хол-и мушкин бас ажабтур
Ки, мулк-и Румни тутти сипоҳи.

Юзунгга нисбат этман барг-и гулни,
Чу гул бирла teng ўлмас ҳар гиёҳе.

Гуноҳим ушбуким, жон бирла савдим,
Ногоҳ ўлтуур мани ул бегуноҳе.

Жафову жаврини оз айласун дўст,
Тиламаса ҳамеша додҳоҳе.

Рақиб учраса они издаганда
Келур ул дам манга ҳол-и табоҳе.

Мани билмасангиз сиз яхши билинг,
Бу Ҳофиз қул эрур, ул подшоҳе.

* * *

Ширин лаби узра ўш онинг қопқора холи,
Қилмади кўнгул мулкини ғамдин боре холий.

Сўрганим учун тангшакартак оғзиндин,
Ҳеч кетмади жондин ўш аниг зарра хаёли.

Сучи сўз ила жон қушини алдаю олиб,
Еткурдни эса тудоқи боре сўроли.

Нуқсонлу назар тушмасун ул жон тилагига
Ким, хусн ичинда бор аниг асри камоли.

Ўзгани саварсан тею жонимға қонадур,
Коғир кўзи фаттон, ўзи ёлғончи ялоли.

Эй жону кўнгул, кел эшиги итлари бирла,
Шакар бики тупроқ ўш ул эшикда йилоли.

Ол бирла кўнгул алдағучи лола янгоқдин,
Олтин юз уза сочти кўзум лаълу лоли.

Тош ёғдирадур бошқа чиқиб барча бошинга,
Ҳаддин тош эрур бошға аниг шеваву оли.

Хофизни кўрунг лоласифат лол қилибдур,
Юз олинни кўргузган орада юзи оли.

* * *

Бўлғали ой юзинда пайдо бу зулфу холи,
Бўлмади дарду ғамдин кўнглумнинг таҳи холи.

Ошуфта зулфина жон тушкали завқ бирла,
Мажнун бикин кечадур пайваста вақту ҳоли.

Гарчи хайёл бўлдум нозук белини издай,
Кетмади жондин аниг нозук дами хаёли.

Кўнглумни оғзи олиб еткурди эрса эмди,
Ул жон-и жон лабиндин боре бирор сўрали.

Ман содадил ўш анинг юзинга боқдим эрса,
Олди кўнгулу жонни юз оли бирла оли.

Нетиб қуёшу ойга юзини ўхшатайим,
Чун бор иккисининг нуқсону ҳам заволи.

Туркий ғазалда топди Ҳофиз Камол таврин,
Чун бор ҳусн ичинда дилдорининг камоли.

* * *

Жон боғи манга бўлғали ул зулф каманди,
Бўлмади анинг ишқида банда бики даж банди.

Ман хок сифат анинг йўлида бўлдим,
То соясини солса манга сарв-и баланди.

Кўз текмасун ул ой бикин юзина тею,
Ут устинда хол саҳи бўлди сипанди.

Тож-и сар-и афлок бўла билгай эдим ман,
Гар қилса мушарраф мани ул наъл-и саманди.

Жон нақдини ман пешкаш-и ёр қилайим,
Жон нақди бўла билса бу дилдор писанди.

Гар топсам анинг лаъл-и лабиндин маза-йи умр,
Не ишка карак Мисрнинг ул шакару қанди.

Ҳофизға кўринди бу замон ҳолу Камоли,
Чун ҳол билан қилди мадад шаҳ-и Хўжандий.

* * *

Дарддин ўзга манга йўқтур жаҳонда ҳамдаме,
Чун бу реш-и дилга топман олам ичра марҳаме.

Дард-и ҳолини темага жон бикин марҳам карак,
Қайдадур айтинг манга жонтак бу дам бир маҳраме.

Одамийлар дам била нокасни одам қилдилар,
Айтунгиз қайдадур ушбу дамда ул одам даме.

Оlam ичра ман аниң ҳуснинг ҳайрон бўлғали,
Юрсаман ҳайрон эрур ҳайронлиқимға оламе.

Деву даж барчаси фармонимни тутғай эрдилар,
Илгима текса Сулаймон-и замондин хотаме.

Ҳок-и раҳмон дурд-и дард ичкучи ул асрүккаким,
Қатрадин дарё қилиб дарёни айлади наме.

Офтоб-и юзини дилдор очса ногаҳон,
Қолмағай бир заррача Ҳофиз кўнглинда ғаме.

* * *

Бўлса мажлис аросинда манга дилбар соқий,
Топғаман умрим ила жону жаҳонни боқий.

Маст бўл бода-йи лаълини кўриб жононнинг,
Неча қилғайсан аё гўшанишин зарроқий.

Тўлун ой узра қаро қошиким, эрур чу ҳилол,
Кўрунур жуфт vale ҳуснининг эрур тоқи.

Сўз ҳажринда аниң соз-и висолин издаб,
Топмас ҳеч наво жон берадур ушшоқи.

Васлдин ҳажр манга яхши кўрунур ҳар дам,
Чун зиёда бўладур ҳажр била муштоқи.

Фош бўлмағай эди ҳалқаро роз-и ниҳон,
Қилмаса эрди ўш ул гамза-йи шўх айгоқи.

Орази сафҳасинкінг васфида Ҳофиз сўзи,
Гулистон ичраки гулларнинг эрур авроқи.

* * *

Ол бирла күнгүл олди ўш ул ол янгоқи,
Бағримни ҳам ол қон қиладур жоду қароқи.

Меҳробга ўхшатман аниң қошлариниким,
Бас тоқ әрур ҳуснда жуфт үл қоши тоқи.

Соқийни күрүб соқина жонимни берурман,
Чун уш бу әрур ошиқина соқи ясоқи.

Ман хокий юрагиндин агар ичмади қонни,
Недин юрагим шаклина дур үқи башоқи.

Фармонина бўйнумни сунуб жон берадурман,
Жон бўйнина чу тушти қаро зулфи тузоқи.

Тушмаса аниң чин-и сар-и зулфи алымга,
Не ишга каракдур манга бу умр узоқи.

Хофиз ёза бошласа ўш ул зулфи саводин,
Коғаз юзида қайдада қолур заррача оқи.

* * *

Кўнгилни олди ол бирла ўшул дилдор-и Шерозий,
Бу хаста жонға солди сўзи ширинкор-и Шерозий,

Наботу қанд-и Мисрни хижолатда тутар доим,
Шакарханда била ул лаъл-и шакарбор-и Шерозий.

Гуллола юзинда бордур бас доғу ҳасратлар,
Жамолин жилва қилғали гулрухсор-и Шерозий.

Туну кун зору афғон чакар бўлсам ғарид эрмас,
Чу булбул зор айлабдур мани гулзор-и Шерозий.

Чакарман оҳ-и оташбор хуршид жамолиндин,
Чу әрур гарм ушшоқ оҳидин бозор-и Шерозий.

Тариқи ишқи ичра хоб-и ғафлатдин уёнгайман,
Қачон бўлса мұяссар давлати дийдор-и Шерозий.

Ҳамеша соя-йи деворина жон бирла сиғинурман,
Беҳишт-и Адантур чун соя-йи девор-и Шерозий.

Кўкусда сирринни асрарман жоним бикин доим,
Бўла билгайму ман теб маҳрам-и асрор-и Шерозий.

Нечаким ишқида Бағдод Таррори эрур Ҳофиз,
Вале алдар ўш ул таррорни айёр-и Шерозий.

* * *

Жонима юз турлу роҳат берди жонон келмаги,
Қилди бечора кўнгул дирдина дармон келмаги.

Жон фидо қилмоқ ўш ул жононаға лойиқ турур,
Ким берур ман жонсиза ҳар дамда юз жон келмаги.

Ушбу девона кўнгул эрди паришон зулфитак,
Лек жамъ айлади ул ҳур-и парийсон келмаги.

Раҳм этиб жононанинг келмаги андоғдур манга,
Булбул-и бечора ёнинга гулистон келмаги.

Гулистон жонон фироқиндин хароб эрди вале,
Қилди ободон ўш ул сарв-и хиромон келмаги.

Юзини кўрмай бу мажлис аро равнақ йўқ эди,
Берди юз минг равнақ ул шамъ-и шабистон

келмаги.

Ман фироқинда ўлуб эрдим ўш бошдин яна,
Тиргузуб жон берди кўргил об-и ҳайвон келмаги.

Туну кун йиғлар эдим келгайму ул жонона тен,
Оқибат иш қилди куз ёши фаровон келмаги.

Кўкси ичра кўнгли Ҳофизнинг хароб эрди вале,
Байт маъмур этти бир дамда бу султон келмаги.

* * *

Азал мусавири лавҳ-и жаҳонда хат язалий,
Нигор нақшинда кўргузди сунъ-и лам язалий.

Бели бирла бўйининг нақшини қачон чизсак,
Қаламни қил бики нозук қилиб равон чизалий.

Савод этарда ўш ул хату холнинг сўзини,
Абиру мушк била гул сафҳасинда хат ёзали.

Касод бўлди басе мушк Чину Мочинда,
Алинга шона олиб зулф-и чинни чўзали.

Тамаъ даме уза билмас шакар бикин лабидин,
Азиз жон сучидур биз нетиб тамаъ узали.

Қуруди оҳ ўтингдин тудоқу ҳам тилимиз,
Лабини ёд этиб об-и ҳаёт ила озали.

Шароб ёнина бир лаҳза боқмади хумор,
Хумор кўзларин ул маству ноз ила сузали.

Тузулса соқио май чангимизга тушса нигор,
Наво-йн ной била чангу удни тузали.

Ғазалки Ҳофиз ўш ул хату лаълдин айтур,
Сиёҳи ичра чу об-и ҳаёт эрур ғазали.

* * *

Фарақ берур манга ул сарв-и гулузор сўзи,
Нетакки булбула хуш келса марғзор сўзи.

Келур ҳамеша хуш ол энгларин кўрарда сўзум,
Чу андалибга хуш келди лолазор сўзи.

Муҳабат илгида чун лола пора бўлди кўнгул,
Вале туганмади ҳаргиз дилафгор сўзи.

Рақиб ёдини ман ёр қошида қилмон,
Маҳалсиз эрур чун гул қошинда хор сўзи.

Қарор-и васли сўзин доимо қарап кўнгул,
Чу хуш келур кишига умр-и беқарор сўзи.

Диёру ёрдин асру йироқ тушдум, лек
Ҳазор шукрки, бордур тилимда ёр сўзи.

Анинг бикин мани беихтиёр айлади ишқ
Ким, эмди тилга даме келмас ихтиёр сўзи.

Фариқ-и дарду бало бўлмағай эди кўнглум
Бу баҳр-и ғамда кўрунса эди канор сўзи.

Муҳаббат ичра қачон бўлса ҳокраҳ Ҳофиз,
Қолур халойиқ аро анда ёдгор сўзи.

РУБОИЙЛАР

Парвона бўлур юзунг кўриб шамъ-и фалак,
Ҳам банда-йи эҳсонинг эрур малику малак.
Сўруб ўртунур эсам лаб-и лаълингни,
Тутсун мани, эй жони жаҳон, ҳаққи намак.

* * *

Раҳм айламас ул кўнгули пўлод бикин,
Жоду қаро ҳинду кўзи жаллод бикин,
Ширин лаби лаълини тилаган ошиқ
Жонин, не ажаб, берурса Фарҳод бикин.

* * *

Дилсўхтаким оҳ-и саҳаргоҳ қилур,
Ул оҳ била жонини ҳамроҳ қилур,
Оlamда бу сўз била юурман шодон,
Ким, не қилур эрса, борин оллоҳ қилур.

* * *

Чун ишқи кўнгулнинг ичра бунёд айлар,
Ғам бирла хароб мулкин обод айлар.
Жон бирла онинг гамишига бўлсан банда,
Ул дамда мани ғаминдин озод айлар.

* * *

Нокас киши ҳеч маҳрам-и жон бўлмас,
Шўра ер уза боғу гулистон бўлмас.

Ким дард-и дилоромни савмаса жонтак,
Ҳаргиз ўш анинг дардина дармон бўлмас.

* * *

Токим лаб-и лаъли шакарафшон бўлди,
Оlam сўзи бирла шакаристон бўлди.
Гулзорға нечаким бўлур булбул зор,
Ошиқ юзина ҳазор чандон бўлди.

ҚИТЪАЛАР

Ман андоғ шоҳдин сўз ўграницабман,
Ким улдур илм ичинда баркамоле.
Хатое издар эрсанг сўзум ичра,
Қилиб ўз ўзингға дафъ-и малоле,
Анингтак сўзки важҳи бўлмағай ҳеч,
Тополмоқинг эрур айн-и маҳоле.
Қаламдин гар хатое тушмиш эрса,
Не бўлғай меҳр уза бир зарра холе.
Ва гар янглиш тақи кўрдум тер эрсанг,
Бўлур ойнинг юзинда ҳам хиёле.

* * *

Ришта-йи жонтак элимда бор маъно риштаси,
Ришта-йи нозуку лекин қоф янглиғ босабот.
Тесамким, хизр-и вақт эрурман эмди айб эмас,
Чунки манда бордур сарришта-йи об-и ҳаёт.
Турк жинсида пайамбар бўлмоқи бўлса раво,
Бўлғай эрдим ман пайамбар, шеърларим мўъжизот.

* * *

Аё Ҳофиз бу Туркистон бисотинда чу хок ўлғил,
Тиласанг туркиларни айласа шаҳмот сўзларинг.
Сўз отини миниб югуриб еланларнинг одоқинга,
Кўзинг ёшин равон қилғил қилурса от сўзларинг.

Сўзунгнинг жавҳаринга харидоре топар эрсанг,
Неча муфлис тақи бўлурса ўлтур сот сўзларинг.
Нишон-и мусҳаф-и ҳуснин агар издаю сўзласанг,
Бўлур ҳуснини кўрганларга чун оёт сўзларинг.
Бу туркийлар аросинда магар турк-и хитойидур
Ким, ул ёндин ҳалойиққа кўринур ёт сўзларинг.

* * *

Гарчи сўз кон-и маоний кўрунур оламда,
Ким анииг ичра эрур турли жавҳари мактум,
Сўзламаслик санга яхши кўрунур сўзлардин,
Ҳар неча сўзлар эсанг сўзни чу дурр-и манзум.
Кўнглинг тошу ё оҳану пўлод эрур,
Сўзламасликнинг ўти бирла бўлур ул чу мўм.
Сўз манимдур тею сўзунгни ҳалойиққа сотиб,
Зулм айлаб ўзунгга қолмагил охир мазлум.
Ҳофизо, сўз эясиман тею ўгма ўзунги,
Бўлмади оқибат-и кор сўз ила маълум.

* * *

Издар эрсанг аҳли иззат бўлсанг эй, ёри азиз,
Сидқ бирла кўркузакўр барчага меҳру вафо.
Дамбадам бир хаста дилни зулм ила озор агар
Айласанг топмагасан кўнглингда бир зарра сафо.
Ушбу сўзумга гувоҳ ҳақ тиласанг ҳолиё,
Оҳ ила оинанинг ҳоли эрур равшан гуво.
Ким такаббур қилмаса ,у топса мискинлик йўлин
Аҳли маъни қошида улдир ҳақиқат подшо,
Подшоҳи асри бўлсанг ҳам такаббур қилмагил,
Оқибат чу тупроқ ичра тенг бўлур шоҳу гадо.

* * *

Ошиқ эрсанг ёрга, ағёр жаврин торта кўр,
Чун топилмади бу олам ичра ёр ағёrsиз.

Теша-йи сабру қаноат бирла бўлиб кунжков,
Ганжни топсанг тақи қайдада бўлур ул морсиз.
Гулистоннинг ичра булбул юз туман зорий қилиб,
Издадиу топмади умринда гулни хорсиз.

* * *

Ёмонлиқ айламаю яхшилиққа толиб бўл,
Ёмонлиқ айлаган охирда шармисор бўлур.
Евуқ ёмон била бўлма қарор-и айш қилиб,
Софинчи яхши кишилар йироқ қарор бўлур.
Кишиким ўзини йўқ соғиниб, бўлур яхши,
Худой ҳазратида ул кишига бор бўлур.
Садаф чу файз топар бўлса абр-и найсондин,
Садафнинг ичра ўш ул дурр-и шаҳвор бўлур.
Ўзингни ошиқ-и орифга боғла, эй Ҳофиз,
Дараҳт чунки топар васл, мевадор бўлур.

* * *

Таажжуб айламангиз издасам диёrimни,
Ватан чу жон эруру, борча жонини издар.
Нечаки сувни олиб баҳрдин булут кўкка
Етурса оқибат ул ўз маконини издар.
Баҳо гуҳар била жавҳар топар чиқиб кондин,
Вале ниёз била баҳру конини издар.
Ғариб шоҳ-и замоннинг вазири ҳам бўлса,
Ҳамеша жон била ўз хонумонини издар.
Агарчи шоҳ-и замон илгидур нишиман-и боз,
Вале кўнгул била боз ошёнини издар.

* * *

Дўстлик қилма ул киши билаким,
Бўлди душманга маҳрам-и асрор.
Дўстким бўлди дўст душманга,
Мехрибон бўлмори эрур душвор.

Құзини қайда сақласун итким,
Бұлди ёзида бўри бирла ёр.

* * *

Халқдин не жафо санга тегса,
Ориф эрсанг күнгүлни таңг этма.
Оҳутак бўлмоқ издасанг мушкин,
Кибр ила ўзунгни паланг этма.
Барча сулҳ этмагин тилар бўлсанг,
Халқдин хашмею жанг этма.

* * *

Туғмаса туғганинг бикин кўргил,
Кўргузур бўлса ким санга ихлос,
Кўрма тенг муҳлису мунофиқни,
Қиймат-и зарни топмади чурусос
Ҳамнишинингда кўрдинг эрса нифоқ,
Топа кўр тарк-и сұхбат ила халос.


* * *

Коми жонни тилама, эй оқил,
Чун бу оламинг ичра йўқдур ком.
Ком агар бўлса эрди оламда,
Топғай эрди тан ичра жон ором.
Бесаранижом кўрунур ишлар,
Чун кўринмас жаҳон ишинда низом.
Оқибат чун жаҳонда қолмасмиз,
Яхши улдурки, яхши қолса ном.

ҚАСИДАЛАР

Тамом ўзунгни фард айлаб тиласанг файз-и
Кўрасан жон кўзи бирла бу кун аҳвол-и фардони,
Кишиким, ёнмайин ёнса ҳамиша ишқ ўтина, фардони,
Уш ул нор-и муҳаббатдин кўрар юз нур-и руҳоний.
Елинг бирла қоришиғлу чиқоси оҳи дудосо
Кимунг ким ишқ ўти бирла ҳар дамда ёнар жони.
Тилагил жону тан бирла ҳамеша ишқнинг йўлини,
Чу ишқ ила шараф топти жаҳонда руҳ-и инсоний.
Талаб йўлинида ўзунгни қачонким, хокироҳ этсанг,
Равон юз кўргуза ул дам санга юз лутф-и раббоний.
Шароб-и васлдин қонмоқ тиласанг ҳар дам, эй
Жигарни қон қилиб матлуб учун тиккилким ул қони, толиб
Юзунгии каҳрабо янглиғ қилиб кўз ёшини қон қил,
Ярашур зарр-и холис узра чун лаъл-и бадахшоний.
Мужаррад бўлғилу қатъ-и алойиқ қилғил, эй доно,
Келур зебо чу меҳру моҳфа пайваста урёний.
Маком-и завқда эрсанг қабо-йи тани чок айла,
Баҳор айёмида гулнинг бўлур чок гирибони.





* * *

Қаму асрор-и ғайби жамъ күрүнгай санга равшан,
Күнгүлүнг күзгусинда бўлмаса занг-и паришоний.

Сўзунгни кофиру мўъмин ўқуб уқғай сафо бирла,
Сафонинг юзидин топса асар бу лавҳи пешоний.

Азиз-и Миср-и маъно бўлғасан чоҳ-и жаҳон ичра,
Агар Юсуф бикин ўзунгни кўрсанг мунда зиндоний.

Қачонким мунзавий қилсанг ўзунгни кунж-и
ғурбатда,
Уш ул кунж ичра кўрунгай санга ваҳдат-и
биёбоний.

Тиласанг хон раҳматдин насибу афзои толиб,
Бўла кўргил бу дам ул саййиду-с-содот меҳмони.

Чун улдур неъматуллоҳ vale очди лутфиндин,
Ҳамеша очларға раҳм айлаб хон-и раҳмоний.

«Аналҳақ»дин дам урса олам ичра не ажаб бўлғай,
Чу чоҳирдур ўш онинг жуббасинда рамз-и субҳоний.

Намадлар ичра асҳоби кўрунурлар гадо янглиғ,
Вале мулк-и маъонийда уурлар кўс-и султоний.

Ниёз айлаб агар мўр-и заъифе келса хидматға,
Берур ул мўрға ҳиммат била мулк-и Сулаймоний.

Халойиқ даъвати учун қачон хон-и сафо чакса,
Малойик шаҳпари бирла қилур анда мағас рони.

* * *

Анинг давр-и вилоётинга таърихе сурар эрсанг,
Азалдин то абад зоҳир эрур таърих-и давроний.

Жаҳон вайрон бўлиб дайёр қолмас эрди оламда,
Вилоят ҳукми бирла қилмаса эрди жаҳонбоний.

Ҳумо-йи ҳиммати бол очса сиғмағай бу оламға
Чун әрур тош бу оламдин ул шаҳбоз жавлони.

Үш аниңг зоти бирла ушбу олам тенг бўла билмас,
Ким онинг зотидур боқийу бу олам эрур фоний.

Ярутқан бўлса олимнинг кўнгулин нур-и урфондин,
Фариб эрмас бу қудратни чу бергандур яратқони.

Қуёшу ойдин қайда бўла билғай эди равшан,
Жаҳонда мунтазир бўлмаса әрди нур-и урфоний.

Агар минқоди бўлса жинс-и инсон не ажаб бўлғай,
Мусаҳхар чун анга бўлди нуфус-и инснию жоний.

Тариқат йўлининг одобин андин издасун толиб,
Чун әрур хизматинда ақл-и кул тифл-и дабистоний.

Ҳақиқатда агар ийд әрмас аниңг завқ-и дийдори,
Недин кешиндаги толибининг эрур жони қурбоний.

* * *

Кимунгким солса ҳолиниға назар айн-и иноятдин,
Ҳидоят нуридин равшан бўлур шамъ-и шабистони.

Агар ман от учун отини отарсам фариб эрмас,
Қилур оти била жамъ-и малак чун субҳагардоний,

Жаҳон бир номаю асрор-и ғайби андадур музмар,
Вале номий кўрунур ушбу номий нома унвони.

Юзи чун нор-и хандону маҳосни қор янглиғ оқ,
Вилоят нору нурнидин эрур бу ики бурҳони.

Юзин кўрган аро ҳайрону данг ўлсам ажаб эрмас,
Жамол-и ҳақни кўрганинг ишидур дангу ҳайроний.

Наво булбул бикин ушшоқ этар юзини кўрганда,
Чу юзунда кўрунур зоҳиран ваҳдат гулистони.

Шакар янглиғ ялаб эшики тупроқин қилурман завқ,
Чун ул тупроқ бу жонсизнинг эрур об-и ҳайвони.

Ҳаво-йи хидматин ҳар ким тиласа жону тан бирла
Ани вобаста қилмагай табиат чор аркони.

Ҳаво-йи қуллиқиндин ўзга йўқтур хаста кўнглумда,
Вале ҳақ қошида йўл топмади васвос-и шайтоний.

* * *

Паноҳ айлар ўш анинг соя-йи лутфини жонимким,
Уш ул алтофидин руҳоний бўлур табъ-и жисмоний.

Топар жон тўтиси қут-и равонни ҳар нафас шаксиз,
Қачонким маърифат тавринда қилса
шаккарафшоний.

Агар сарроф-и сўз эрсанг ўқи девонини доим,
Чу маъно гавҳариндин тўлу эрур баҳр-и девони.

Келаси нақш бўлмай мумкинот-и ғайбдин пайдо,
Қилур асрор-и шеър ичра бас рамз-и пинҳоний.

Анга соний кўрунмасдур неча боқсам жаҳон ичра,
Вале халқ-и жаҳон эрур анга жони била соний.

Фалак узра малак айтур саноу мадҳини доим,
Санингтаклар қайда бўла билсун санохони.

Мақом-и мустафову муртазо ўзиндау дур ҳолий
Вале мушкил эрур ман қулға ҳассонию Салмоний.

Гар ул ҳоқон-и мулк-и маъни ман қулға назар
қилса,

Бўлур эрдим хатосиз бори бу тавр ичра Ҳоқоне.

Либосу суврат-и сўздин мурод ул зот-и маънодур,
Каракса бўлсун ул сўз туркию, ибрию, сурёний.

* * *

Вужуд-и поки тоҳир абр-и раҳмат бўлмаса эрди,
Қачон ёғойди ман хокийға андин лутф борони,

Вилояту каромату карам ўзиндин издаю,
Бўлубдур Ҳофиз-и Хоразмий жони бирла

Кирмоний.

Неча ким чарх-и гардунда бўлур бўлса равон

Ўзининг пок зоти бирла шаръю ҳам мусулмоний.

Тақи ҳар неча ким бўлса қазо бирла қадар ҳукми,
Равон бўлсун икисинга ўзининг ҳукму фармони.

ТАРЖЕЪБАНД

Ед қилмай бу шоҳ гадосиндин,
Бўлди бегона ошиносиндин.
Ман вафосин талаб қилур эркан,
Жонға етдим аниң жафосиндин.
Қаду болосидин бало ёғадур,
Ким қутулғай аниң балосиндин.
Сарвдин қилғасиз манга тобут,
Ўлса ман қадининг ҳавосиндин.
Уқунгиз ёсни эмди сиз мангаким,
Жонға ўқ тегди қоши ёсиндин.
Матла-йи ҳусн аниң яқоси эрур
Ким. тўлун ой туғар яқосиндин.
Неча дашиом қилса ул дилбар,
Тинмагайман аниң дуосиндин.
Хофиз ул нозанинни қилди қабул,
Мунча мақбуллар аросиндин.
Булбул гулистанда сайрар эди,
Бўлди пайдо бу сўз навосиндин:
Ким эрур ишқ мақсаду мақсуд
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.

* * *

Зулфини ёд этиб гоҳ чактим оҳ.
Дуд-и оҳимдин ўлди нома сиёҳ,

* * *

Алиф қоматимни қилғали дол,
Зулфини күргузур манга дутоҳ.
Езукұм ушбу ким саварман ани
Ушбудур бандага азим гуноҳ.
Үзгага не вужуд анинг қошида,
Гул қошинда күріннімади чу гиёҳ.
Күңглум күз йўлини сақларким,
Ёр қилди күнгулга кўздин роҳ.
Ғамзаси ғорат-и жаҳон қиладур,
То анга бўлди кўзи пушту паноҳ.
Жоним ўртанди ишқ ўтинда, вале
Бўлмади ёр ҳолдин огоҳ.
Ҳофизо, бу бисот-и ишқ ичра.
Ўзгалардур пиёда улдур шоҳ.
Зулфи сўзи дароз эрур, лекин
Ушбу сўз бирла бўлди сўз кўтоҳ:
Ким эрур ишқ мақсаду мақсуд,
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.

* * *

Улки равшан юзи чу моҳ эрур,
Гулдур ул, ўзгалар гиёҳ эрур.
Лола юзунгга ўзин ўхшатди,
Андин ўш эмди рӯ сиёҳ эрур.
Гулни юзунгга ўхшамас тесам,
Ушбу сўзда не иштибоҳ эрур.
Жумла арбоб-и ҳуси аросинда,
Ёр шоҳ ўзгалар сипоҳ эрур.
Жоним ўртанди оҳ илгиндин,
Ўтға ёққан мани бу оҳ эрур.
Бўлса дутоҳ қоматим не ажаб,
Зулф-и дилдор чу дутоҳ эрур.

Күнглум олғании сўрсанг, эй Ҳофиз,
Күнглум олған ўш ул нигоҳ эрур.
Даво-йи ишиқдин уурман дам,
Чун бу даъвога ҳақ гувоҳ эрур.
Эмди бу сўздин ўзга сўзласам,
Ишиқ сирринда бас гуноҳ эрур.
Ким эрур ишиқ мақсаду мақсуд,
Топти андин вужуд ҳар мавжуд.

* * *

Ул суманбарки сарвинозимдур,
Қомати сарв-и сарафрозимдур.
Кетмади бир нафас хаёли анинг,
Чун маним ёру дилнавозимдур
Ишиқи кўнглум қушини сайд этди,
Ким анинг ишиқи шоҳбозимдур.
Бўлмадим ишиқ элинда бечора,
Чун инояти чорасозимдур.
Ишиқ сўзини сўзламак доим,
Сабаб-и сўзу ҳам гудозимдур.
Розим илгинда бўлдум асири зор,
Зор тутқон мани бу розимдур.
Нозин қилган ани ноз билан,
Яхши кўрсанг маним ниёзимдур.
Ҳофизо оқибат бўлур Маҳмуд,
Теса ул шоҳким аёзимдур.
Топғали юзидин сафо кўнглум,
Ушбу сўз вирд-и қишу ёзимдур:
Ким эрур ишиқ мақсаду мақсуд,
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.



То бало қут-и жон ошиқ эрур,
Доғу дарди нишон-и ошиқ эрур.

Жигару дил қабоб айлагай ҳам,
Дарди чун меҳмон-и ошиқ эрур,
Ғам еса ошиқе ғарип эрмас,
Чун ғам-и ишқ нон-и ошиқ эрур.
Эшигининг итини тиндурмас
Тунла оҳу фиғон-и ошиқ эрур.
Боғ-и ҳусн ичраги бу сарв-и равон,
Кўрсаман рост жон-и ошиқ эрур.
Бўлған эшигидаги анинг сойил
Кўздин об-и равон-и ошиқ эрур.
Билгасиз ҳолни бу сўзлардин,
Ишқ чу таржимон-и ошиқ эрур.
Жон жаҳонни издасанг Ҳофиз,
Топғайсанким жаҳон-и ошиқ эрур.
Ҳол аҳли қошинда ушбу сўз,
Ҳолий вирд-и забон-и ошиқ эрур.
Ким эрур ишқ мақсаду мақсаду,
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.

* * *

То юзи бўлди қибла-йи мақсаду,
Юзи қошинда йўқтур ойға вужуд.
Хатмудур ёҳуд оҳим ўтиндиг
Ойнатак юзинда боғлади дуд.
Қадр кечаситак қошини кўруб,
Барча меҳроб қилди эмди сужуд.
Зулфи савдоси олди кўнглумни,
Ушбудур жонима зиён манга суд.
Оҳ ўш ул зулфи илгидиг чакдим,
Ким чакарман жафо-йи номаъдуд.
Ишқ ўтинга ёниб фиғон айлар,
Гўё хаста кўнглум эрур уд.
Сўзи бирла ўш онинг сизи бикин,
Йўқтурур ҳеч фарқ буду нобуд.

Ер юзини кўргасан Ҳофиз,
Ерий кўргузса толеъ-и масъуд.
Сўз жаҳон ичра бўлгали пайдо,
Ушбу сўз бирладур кўнгул хушиуд:
Ким эрур ишқ мақсаду мақсуд,
Топти андин вужуд ҳар мавжуд.

* * *

Дилбариким анииг жамоли бор,
Ноз қилмоқда басе камоли бор.
Алданибман юзининг олинга,
Чун онииг турлу-турлу оли бор.
Юзитак қайда туғсун ойу қуёш,
Чунки нуқсону ҳам заволи бор:
Оғанин бор теса ман йўқ эрур,
Лек борлиқнинг эҳтимоли бор.
Заррача оғзиқим кўрунмади ҳеч,
Жонда недин анииг хаёли бор.
Чакмадим эшигинда афғонким,
Дард-и сардин басе малоли бор.
Суврат ичра фироқ тушти, vale
Маънида жон била висоли бор.
Ўз сўзин Ҳофиз айта билмас анга
Ким, басе иззату жалоли бор.
Жумла-йн ҳол аҳлини кўрар эрсам,
Ушбу сўз била ҳолий ҳоли бор:
Ким эрур ишқ мақсаду мақсуд,
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.

* * *

Кўргузур бўлса қачон жамол, эй дўст,
Топар ул дам қуёш завол, эй дўст.
Хол ўш ул гул бинкин юзунгда санинг,

Жанинат ичра эрур Билол, эй дўст.
Не сабабдин жавоб бермассан,
Нечаким қилсаман савол, эй дўст,
Тўкмагил жавр бирла қонимни,
Бўлмасин кўз кўра вубол, эй дўст.
Билингиз фикридин бўлубтурман,
Турушум била ман хаёл, эй дўст.
Иўқ бўлибман муҳаббатингда, vale
Бор санинг бирла жонда ҳол, эй дўст.
Ястониб эшигингни жон берсам,
Топғаман ул замон камол, эй дўст.
Ол юз кўрунуб бу Ҳофизға,
Айлама дамбадам юз ол, эй дўст.
Жон бирла ушбу сўзни айтадур
Тўтий-и шакарин мақол, эй дўст:
Ким эрур ишқ мақсаду мақсуд,
Топти андин вужуд ҳар мавжуд.

* * *

Матлаъ-и ҳусну ҳам жамол кўрунг,
Юзида сунъ-и баркамол кўрунг.
Офтоб юзин қачон очса,
Кўз очиб меҳрни завол кўрунг.
Кўргузур бўлса юзи бирла қошин,
Тўлун ой қошида ҳилол кўрунг.
Юзида бор холининг ҳоли,
Ҳолий андин кўнгулда ҳол кўрунг,
Мушк-и Чинни хато талаб қилманг,
Чин ўш ул юзда хату хол кўрунг,
Лола янглиғ юзи сифатинда,
Савсанда забонни лол кўрунг.
Кўра билмасангиз анинг қаддин,
Бўстонларда сарву тол кўрунг,
Лаъл бикин лабининг хаёли билан,

Нозук ўш эмди қилу қол күрунг.
Хол-и Ҳофиз басе паришондур,
Зулфини ҳам бу сўзга дол күрунг.
Сўз ичинда камол издасангиз,
Ушбу сўз ичра сиз камол күрунг;
Ким эрур ишқ мақсаду мақсуд,
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.

М У Х А М М А С

Эй ким, кўрунур лаъл-и лабинг шаҳд ила шакар,
Сўз бирла лаб-и лаълинг эрур қанд мукаррар,
Сантак санамо йўқ турур руҳ-и мусаввар,
Кўнгул олғучи қади чу сиҳи сарву санавбар,
Ким бўлса сочи сунбулу юзи гул-и аҳмар.

Эй сарв-и сумансойки ширин даҳанинг бор,
Гулнинг танитак нозику зебо баданинг бор,
Гашт этгали жонимнинг ичнида чаманинг бор,
Гул юзунгга булбул бики зоре чу манинг бор,
Айлама гул авроқи бикин хотирим абтар.

Оғғил бу қулинг ённина бир айни иноят,
Чун банда-йи ожизману сан шоҳ-и валоят
Илгимида маним йўқтуур ақлу кифоят,
Холи кўнглумни қилладур чехра кушоят,
Чун ишқ ўтидин таним эрур хушку кўзум тар.

Лутф айлау ғамгин кўнглумни қилакўр шод,
Банд-и ғам элиндин мани қил бир йўли озод,
Мулик-и кўнглум ичра ғаминиг солғоли бунёд,
Сан бор экан ўзгадин издамади ул дод,
Бедоду жафо бирла мани айлама музтар.

Оlamда санингтак қани бир моҳ лиқое
Ким, бўлса ўш ул ҳусн била меҳр қарое,
Дард-и дилима раҳм қилиб айла давое,

Не бўлгай агар топса бу хаста гадо-е
Сандинким, эрурсан бу жамол ила тавонгар.

Эй соқий-и ушшоқ кетургил манга жоме,
То кўй-и харобатда бўлсун манга номе,
Сандин не бўла шод агар бўлса ғуломе,
Қилсанг назаре ҳосил ўлур бандага коме,
Чун шоҳ-и замонсан тақи давлат санга чокар.

Зулфинг гириҳинда ким эрур мушк-и таторий,
Бўе тилар андин бу замон бод-и баҳорий,
Ман нечага тегру қилайим нолаву зорий,
Эй ёр, бу дам кўргуза кўргил манга ёрий,
Чун бўлдунг эди ушбу йўл ичра манга раҳбар.

Жоним кўзи дийдоринг ила бўлғали равшан,
Мулк-и кўнглум бўлди муҳаббат била гулшан,
Ман дўстману қилма ҳавола манга душман,
Мискинлик ила қилдим эшигингда чу маскан,
Мискинлара бўлғил бу замон носиру ёвар.

Қани санга ўхшаш санаме ғамзаси ғаммоз,
Сансан бу замон жумла халойиқ аро мумтоз,
Савди сани жон ўйнағали ошиқ-и жонбоз,
Лутф айла бу Ҳофизга аё сарв-и сарафroz,
Чун додгар айлади сани лутф ила довгар.

МУСТАЗОД

БИРИНЧИ МУСТАЗОД

Эй күзлари бодому сочи дому юзи ол,
Кел тарки жафо қил.
Солма бу ҳаводорни күздин, сўзини ол,
Ошиққа вафо қил!
Кўзум ҳаққи бор ол юзунг узра, ўзунгни
Билмасга қўшарсан
Нодон кўруниб қилма ўкуш хийла тақи ол,
Ул ҳақни адо қил!
Ҳожот-и халойиқ кўрунур ой юзунг, эй жон,
Ҳам қиблан мақсуд
Сарв-и саҳий янглиғ чиқиб эшикдин филҳол.
Ҳожат раво қил!
Дармонда бўлуб дардима дармон тудоқингдин
Жон бирла тиларман.
Бу оч учун оч оғиз, эй лаъл-и лаби бор,
Дардима даво қил!
Қон йиғлади қат-қат юраким маним оғзингдин
Ким, ғунчаға ўхшар:
Кўнгул олмоқ учун чининга ҳам зулфунг эрур дол.
Юз турлу бало қил!
Қаддингни кўруб сарв тилар ҳиммат-и воло,
Эй сарвар-и хўбон
Ранг издаюр ул лола юзунгдин, ким эрур лол,
Оlamни гадо қил!
Ҳофиз тилаюр умрни боқий қадамингда
То бўлса вафодор
Бир ноз била боқиб аё, ғамзаси қаттол,
Ҳофизни фано қил!

ИККИНЧИ МУСТАЗОД

Жононаким, анинг сўзи жонимга яқодур,
Ширин даҳани бор.

Дин йўлида коғир кўзи ҳам айн-и балодур.
Кўп макру фани бор.

Наргис бики кўрдум кўзину қандин ўш анинг,
Бир сарв-и равоне.

Гулзори латофат юзи ҳам моҳлиқодур,
Себи зақани бор.

Ушшоқ юзин кўргали булбул бики нола
Жондин чакадурлар.

Ким, зоғ-и сияҳ ҳам нафс сирр-и худодур
Гулдин ватани бор.

Тушгали ниҳол-и қадина кўзум ўш анинг,
Гулзорға сакраб

Аксиндин анинг сув бики бобаргу наводур
Ким, норвани бор.

Кўнглум не ажаб шод бўлур бўлса юзиндин
Чун ғунча-йи хандон,

Чун ҳуққа-йи ёқути анинг баҳри атодур,
Дурри Адани бор.

Гар вирди забон қилсан анинг зулғу руҳининг,
Ёдин ажаб эрмас,

Чун ишқ иши шому саҳар ҳамду санодур
То жони тани бор.

Юз турлу сафо юзини кўрган аро Ҳофиз,
Жон бирла тилагил,

Арбоб-и ҳусн барчаси чун асл-и сафодур.
~~Хулқ-и Ҳасани бор.~~

ЛУГАТ

абтар — нотамом, паришон, бахтсиз.
алтоф — лутфлар, марҳаматлар.
афсар — сариқ.
асҳоб — эгалар, сухбатдошлар, дўстлар.
аъма — кўр, ожиз.
ақраб — чиён; осмоннинг саккизинчи буржи, зулф.
гажак.
аҳмар — қизилроқ, қизил.
барр — ер юзининг қуруқлик қисми, ер юзи.
басорат — ўткир қўзлилик, билағонлик.
беша — тўқай, ўрмон, ўтлоқ.
бикин — каби.
бирада — баъзан.
боло — баланд, юқори.
бурж — қадимги астрономияда — қуёшнинг йиллик
ҳаракат доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар
бири; қалъанинг чўққиси.
бурхон — далил, ҳужжат, гувоҳ, дастак, майҳона
бошлиғи.
валоят — валийлик, авлиёлик, азизлик, худога
яқинлик.
ваҳдат — бирлик, танҳолик.
вирд — тарқ қилмай доим бажариб туриладиган
вазифа, дуо.
вобаста — боғлиқ, бирга боғланган, алоқадор.
вом — қарз, бурч.

гаронмоя — қийматли, фойдали.
гизламоқ — беркитмоқ.
гудоз — эрувчи, қуювчи, эриш, қуиши.
гулчин — гул терувчи, боғбон.
густоҳ — адабсиз, андишасиз, тортина майдиган.
гүш — қулоқ.
гүщанишин — хилватга киравчи, дарвешлик ҳаёти-
даги киши.
дабистон — ўқиш (адаб ўрганиш) уйи, бошланғыч
мактаб.
дайёр — турувчи, яшовчи, уй әгаси.
данг — бирор нарсаны сезмаслик даражадаги ҳол,
карахтлик, тамизсизлик.
дамсоз — ҳамдам, ҳамдард, улфат, дүст, ҳамсуҳбат.
дармиён — ўртада, орада.
дилкушо — кўнгил очувчи, кўнгилни шод этувчи.
дилреш — кўнгли яра, ортиқ қайғу чеккан, кўнгли
вайрон.
дирхам — кумуш танга.
довар — ҳоким, подшоҳ.
дурж — қимматли тошлар учун қутича; оғиз, кўн-
гил.
дурри самин — қиммат баҳо дур.
дурри яқдона — энг тоза дур.
дutoҳ — икки букилган, эгилган.
ёзу — гуноҳ, айб.
жаҳонбоний — жаҳонни идора қилувчи, ҳукмдор,
подшоҳ.
жаҳоннамо — жаҳонни кўрсатувчи.
жовидон — абадий, доимий, мангур.
жубба — шайҳлар киядиган маҳсусе тўн,
жуллоб — гулоб, гул суви.
журм — гуноҳ, жиноят.
жустужӯ — қидириш, ахтариш, излаш.
жўйибор — серсув жой, дарё, сой, катта ариқ.

зишт — хунук, ёмон.
ижтииоб — узоқлашиш, сақланиш, чекинниш, қочиш.
ийд — байрам, ҳайит.
ийсор — багиашлаш.
иттом — тамомлаш.
итоб — қаҳр, ғазаб, қийноқ.
иътидол — мұйытадиллик, ўрта даража, нормал.
иқдинг — ёқдинг, ёқитдинг.
кадар — ғам, ғусса, қайғу.
канора — қирғоқ, чет.
карам — яхшилик, олижаноблик, әҳсон, марҳамат.
катон, каттон — канопдан түқилған кийимлик.
кетарса — күтарса.
кин, кийн — ўч, душманлик.
ком — тиласа, истак, мақсад.
коқ — сомон.
кулли оғоқ — бутун дунё.
кунж — бурч, бурчак.
кушод — очиқ, очилған, бўшатилған.
кўкус, кўкс — кўкрак, кўкрак қафаси.
лавх — ёйиқ нарса; ёзув тахтаси; равшанлик.
лашқари мурчалар — чумолилар лашқари.
магас — чибин, пашша.
марғ — ўт, ҳайвон ейдиган ўсимлик.
масъуд — саодатли, баҳтили.
маҳз — тоза, соғ.
маъдуд — саналған, саноқли.
маъжун — бир қанча дориворни бирга қўшиб ясал-
ган аралашма.
менгиз — бет, юз, чехра.
меҳри мунир — қуёш нури, ёруғлик.
миқод — бўйсунувчи, итоат этувчи.
мосабаҳ — илгари бўлған нарса, илгариги.
мужаррад — яланғоч ҳоли, танҳо; озод, якка, ёл-
ғиз; уйланмаган бўйдоқ.

музмар — яширинган, беркитилган, яширин.
мункир — инкор этувчи, тонувчи, рад этувчи, қабул этмовчи.
мунфаил — хижолатли, уялган; таъсирланган.
мунташир — ёйилган, тарқалган, ҳаммага маълум бўлган.
мураввақ — сузиб тозаланган, соф, тиниқ, тоза.
мусаҳҳар — ўзига қаратилган, забт қилинган.
муфти — фатво берувчи, шариат ҳукмини баён этувчи.
мушк — қора тусли ва хуш исли нарса; сочнинг қоралиги ва ҳиди, кўзнинг гавҳари. (қорачиги).
муқайяд — боғланган, уланган, банд этилган.
маҳрур — ҳароратли, қизиган, иситмаси бор.
муҳолиф — душман.
нишиман, нашиман — қуш уяси, ин; турар жой; мажлис, ўлтириш.
ноб — тоза, тиниқ, соф.
нуфуз — асар қилиш, ўтиш, кириш, таъсир.
нўш — тотли, ширин таъм, чучуклик; асал, бол.
олин — манглай, пешона.
орий — яланғоч, бўш, холи, тоза, тиниқ.
партав — ёруғлик, нур, шуъла.
покдомон — иффатли, номусли, ҳалол юрувчи.
пурфан — хийлакор, найрангбоз.
пурчин — ажин, юздаги ажин.
расон — етказувчи, келтирувчи.
рахт — уй асбоб-банжоми; кийим-кечак, йўл (сафар) юки.
~~риёзат~~ — нафс хоҳиши, қилган ишлардан тортиниб жўрттага узини қийнаш, машақнатланиш.
рикоб — узанги, подшоҳ ҳузури.
ришта — ип, таноб, узлуксиз кўз ёши.
ройгон — йўлдан топилган, текин.
рост — ўнг, тўғри, тик; музика куйи.

рахшанда — ялтироқ, порлоқ, тобланувчи.
роҳ — йўл.
сабил — йўл.
савсани — гулсавсар (гулсапсар).
савт — қамчи; овоз, шовқин; қуй, мақом.
сарафроз — юксак, улуғвор; хурсанд, қувноқ.
карроф — пул алмаштирувчи (майдаловчи); қимматбаҳо тошларни баҳоловчи, заршунос.
сафо — ёруғлик; равшанлик, порлоқлик; хурсандлик, майшат.
саҳт — қийин, аччиқ, ғазаб.
саҳо — сахийлик, қўли очиқлик.
саҳад — чегара; мамлакат.
со — ўхшаш, монанд.
субҳа — тасбиҳ.
суроҳий — май идиши.
сучи — чучук, ширин, лаззатли.
сўзанда — куйдирувчи, ёндирувчи.
тавонгар — кучли, қудратли, соғлом.
тавр — равиш, йўсин, нав; одат, қилиқ, тарз, усул.
тариқат — усул, йўл, маслак, сўфийлик йўли.
таррор — кисовур, ўғри.
таҳмир — қориштириш, аралаштириш.
тақи — яна, тағин.
тақрир — қарор бериш, мақсадни оғзаки англашиб.
таҳқиқ — бирор нарсани ҳақиқатини излаш, текшириш.
тиймор — бирор ишни юзага чиқариш йўлидаги ҳаракат, *хизмат*, *ғамхўрлик*.
тонуқ, тонуғ — гувоҳ, шоҳид, таниқ; белги, нишона.
тўлу — тўлиқ, тўла, бутун.
тўш, туш — томон, тараф, рўпара.
уд — оловга солганда хуш ис берадиган ёғоч; биртурли чолғу асбоби.
фард — якка, ёлғиз.

фасона — ҳикоя, эртак, достон; саргузашт, афсона,
үйдирма.

фирдавс — боғ, жаннат боғи.

фориғбол — хотиржам; кўнгли тинчланган.

фусун — сеҳр, авраш, найранг, фириб, макр.

хижил — уятли, ҳижолатли, шармгин; шарманда.

хирқа — шайх ва дарвешларнинг маҳсус уст кийими, жанда.

хоби ғафлат — ғафлат үйқуси.

хокдон — олам.

хуффош — кўршапалак.

чокар — хизматкор.

чумғани — чўқмак, ботмоқ.

шаб — кечада, тун.

шабихун — тунда тўсатдан қилинган ҳужум.

шабранг — тим қора, қора от.

шабхез — тунда уйғонувчи, тун бўйи ухламовчи.

шаккарафшон — шакар сочишган.

шахпар — қанотдаги энг узун патлар.

шашпари — олти қиррали гурзи, тўқмоқ.

шикор — ов.

шуруъ — киришиш, бошлиш.

ярақон — сариф оғриқ, сариқ касал.

ясоқ — тақиқлаш; қарор, қонун, жазо, штраф, солиқ; ҳарбий интизом.

яғмо — толон-тарож; бузғунлик; яғмо — шаҳар номи.

қабо — узун уст кийим.

қадғу — қайғу.

қаллош — назар илмас, афтода, кур; ялқов; орсиз, ҳамиятсиз.

қаму — қавм қариндош.

қамъ — бўйсуниш, тоби.

қарин — яқин, яқинлашган, қалин дўст.

қироқ — қирғоқ, чет, чека.

ғайб — ҳозир әмаслик, ғойиблиқ, сир, яширинлик.
ҳаводис — ҳодисалар, воқеалар, ўзгаришлар, янги-
ликлар.
ҳадақа — күз қорачиғи.
ҳамтак — бирга юрувчи, бараварлашувчи, курашда
тенг.
хижоб — парда, тўсиқ; уят, уялиш.
ҳумой — афсонавий қуш.

РАСМЛАРГА ИЗОҲЛАР

Ҳофиз Хоразмий лирикасида келтирилган миниатюралар XV—XVI асрларда Ҳирот ва Бухорода яратилган бадиий қўллётмалардан олинди.

Боғ ишлари.

Меҳмонларни кутиб олиш.

Боғда базм ва зиёфат.

Меҳмонни қаршилаш.

Боғда зиёфат.

Қизлар ҳовлида.

Муқовада: Ошиқ маҳбуба ҳузурида
Фронтисписда: Ҳофиз Хоразмий портрети. Рассом
Рейхет В. И.

МУНДАРИЖА

Хофиз Хоразмий	3
Ғазаллар	7
Рубойлар	90
Қитъалар	92
Қасидалар	96
Таржеъбанд	101
Мухаммас	108
Мустазод	110
Лугат	112

84Уз
Х76

Хоразмий Ҳофиз.

Ҳофиз Хоразмий шеъриятидан.
Тузувчи: Ҳ. Сулаймон; Редкол: Жабборов Ж. Ж.,
Қаюмов А. П., Пармузин Б. С. ва бошқ. — Т., Ўз-
бекистон КП МК нашриёти, 1980. 120 б., 7 б. расм.
(Шарқ классиклари меросидан).

Сарл. устида: ЎзССР ФА Ҳ. С. Сулаймонов но-
мидаги қўллўзмалар ин-ти.

Хорезми Ҳафиз. Избранное.

84Уз1

На узбекском языке

ХАФИЗ ХОРЕЗМИ

Избранное

Издательство ЦК КП Узбекистана
Ташкент — 1980

Техн. редактор Г. Ломиворотова
Корректор М. Толипова.

Теришга берилди 21.01.80. Босишига рухсат этилди
29.09.80. Р—09171. Формати $70 \times 901/32$. Қоғоз № 1: Гар-
нитура «Новая газетная». Юқори босма. Шартли босма
листи 4,68+7 вкл. Нашриёт ҳисоб листи 4,59. Тиражи
150000. Заказ 2647.

Бахоси: сиптиқ, ялтироқ қоғозда босилгани 75 т.,
1-қоғозда босилгани 65 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-й.

ТЕЗ КУНЛАРДА

«ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН»
СЕРИЯСИДА ЎЗБЕҚ ТИЛИДА ҚУЙИДАГИ
КИТОБЛАР НАШРДАН ЧИҚАРИЛАДИ:

1. УВАЙСИЙ ШЕЪРИЯТИДАН.

Китобчада XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек шеъриятининг атоқли намояндаси Увайсийнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, чистонларини ўз ичига олган лирик асарларидан намуналар китобхонлар эътиборига ҳавола қилинади.

Тузувчи — филология фанлари доктори
МАҲБУБА ҚОДИРОВА

2. АБУ АЛИ ИБН СИНО — ТИББИЙ ДОСТОН (Уржуз).

Бу китобча Ўрта Осиёning буюк алломаси, энциклопедист олими, файласуфи ва шоири Абу Али ибн Синонинг тиббиёт соҳасида битган саккизта шеърий достонининг энг каттасидир.

Китобча, асосан, соғлиқни сақлаш масалаларига бағишиланган. Бунда одам ўз саломатлигини сақлаш учун кундалик ҳаётда нималарга эътибор бериши зарурлиги, даволаш тартиб-қоидалари, дори-дармонларни қўллаш, зарурий амалиётлар ўtkазиш каби қатор масалалар бўйича аллома Ибн Сино назм билан битган маслаҳат ва насиҳатлари келтирилган. Китобча классик меросга қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тузувчи — филология фанлари кандидати
АБДУСОДИҚ ИРИСОВ.

1981 йилда

«ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН»
СЕРИЯСИДА ЎЗБЕҚ ТИЛИДА ҚУЙИДАГИ
ҚИТОБЛАР НАШР ЭТИЛАДИ:

1. АЛИШЕР НАВОИЙ — ҲИҚМАТЛИ СҮЗЛАР (Афоризмлар).

Тузувчилар — филология фанлари доктори А. РУСТАМОВ ва филология фанлари кандидати Ф. СУЛАЙМОНОВА.


2. АЛИШЕР НАВОИЙ — ҲАЙРАТ-УЛ-АБРОР («Хамса» достонидан).


Тузувчилар — филология фанлари доктори А. ҲАЙИТМАТОВ
ва филология фанлари кандидати
Ҳ. МУХТОРОВА.

Булардан ташқари 1981 йилда жаҳонда ягона қўлёзмаси Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида топилган, шу кунгача фанга номаълум бўлган XIV аср охири XV аср бошларида яшаган истеъодли ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмийнинг девони (ғазаллар, қасидалар, таржеъандлар, муҳаммаслар, рубоийлар, қитъалар) икки томда нашр этилиб китобхонларга тақдим этилади.

Ҳар бир томнинг ҳажми 10 босма листдан иборат. Қитоблар ўрта аср миниатюралари, изоҳ берувчи диаграммалар ва изоҳлар луғати билан таъминланган.

Тузувчи — ҲАМИД СУЛАЙМОН.





6



2 220000 912716

101982